

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚОЛПАҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ-ҲУҚУҚ ФАКУЛЬТЕТИ

**«Жиноят ҳуқуқи, процесси ва криминалистика»
кафедраси**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “ Жиноят ишларини суд муҳокамасига
тайинлаш даврида прокурор иштироки”.**

Бажарган:

Қосымбетов Баўыржан
тарих-ҳуқуқ факультети
юриспруденция мутахассислигининг
4- курс талабаси.

Илмий раҳбар:

И.А.Матжанов
«Жиноят ҳуқуқи, процесси ва
криминалистика» кафедраси катта
ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

Нукус-2012.

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУД МУҲОКАМАСИГА ТАЙИНЛАШ
ДАВРИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ**

Режа

Кириш.....3

**I-БОБ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУД МУҲОКАМАСИГА
ТАЙИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ.....7**

§.1. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва унинг аҳамияти.....7

§.2. Жиноят иши бўйича суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар.....17

**II-БОБ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУД МУҲОКАМАСИГА ТАЙИНЛАШ
ДАВРИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ.....27**

§.1. Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори.....27

§.2. Жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлаш даврида прокурор иштироки.....40

§.3. Амалдаги Жиноят-процессуал кодекси бўйича судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини тартибга солувчи қоидалар.....47

Хулоса.....57

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....61

Кириш

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганидан сўнг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда кенг қўламдаги самарали тадбирларни амалга оширмоқда. Шу аснода, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида қўйидаги фикрларга ўз эътиборини қаратиб ўтганди: “Биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устивор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳирлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир”.¹ Мустақиллик – бу улғу неъмат, бугунимиз ва келажакимиз гарови. Ушбу аснода эътироф этишимиз лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асаридан давлатимизнинг буюк келажакини яратиш йўлида мустақилликнинг нақадар зарурлиги, давлатимиз мустақиллигининг осонликча қўлга киритилмаганлиги ва мустақилликка эришиш йўлидан қанчадан-қанча ишларнинг амалга оширилганлигини англашимизга бўлади.² Шунингдек, алоҳида эътироф этиш лозимки, мустақиллик шарафати туфайли давлатимизда иқтисодий ўсиш суръати юқорилаб бормоқда ва мазкур жараён халқаро ҳамжамият томонидан тан олинмоқда.³

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида «Мамлакатимизни

¹ Каримов И.А. “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устивор вазифамиздир” // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2006 йил 7 декабрь. –Т.: Ўзбекистон 2007.

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 3-32.

³ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 5.

демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда»¹ деб таъкидлаб ўтган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда давлат – ҳуқуқ устқурмасини ва унинг алоҳида тармоқларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Зеро, мазкур омилларсиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мумкин эмас. Ўз –ўзидан равшанки, бу жараён прокуратура органларини ҳам камраб олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган алоҳида XXIV бобда прокуратуранинг мақоми ва фаолияти, унинг принциплари белгилаб берилган. «Прокуратура, - деб таъкидлаган эди Республикамиз Президенти И.А. Каримов, - қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутди».²

Прокуратуранинг мустақиллиги принципини ҳаётга оғишмай татбиқ қилиш, прокурорларнинг ваколатларига кирувчи, айниқса жиноят ишларини тергов қилиш, жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлаш ва судда қуриш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилишда уларга нисбатан ҳар қандай тарзда тазийқ ўтказишга уринишларни бартараф этиш прокуратура органлари фаолиятини самарали таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.³ Бу шарт судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокига ҳам тўла тегишлидир.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12-ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь, № 220 (5135).

² И.А.Каримов. Адолат-қонун устуворлигида. Ўзбекистон Республикаси II-қақриқ Олий Мажлисининг VI-сессиясидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2000 йил 30-август.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. – Т.: 2001. 537-бет.

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига¹ кўра прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари жумласига судларда жиноят ишлари куриб чиқилишида давлат айбловини қўвватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш ваколатлари ҳам киритилган.

Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлашда иштирок этиш, жиноят содир қилган шахснинг айбини суд мажлисида тасдиқлаш, унинг ҳаракатларига қонуний баҳо бериш, жиноят учун жазо муқаррарлигини қарор топтириш ва содир қилинган жиноят учун жазо тури, меъёрини белгилашда, шунингдек жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини билдиришда давлат айбловчиси муҳим роль уйнайди. Бу эса, ўз навбатида, илмий ишимнинг бош мавзусини танлаб олишимга асос бўлди.

Битирув малакавий иши жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлашда прокурор иштирокини тартибга солиш жараёнида келиб чиқадиган жиноят-процессуал масалаларга бағишланган.

Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш даврида прокурор иштирокини тартибга солиш жараёнида келиб чиқадиган жиноят-процессуал масалалари мавзусига бир қатор олимларимизнинг илмий ишлари йўналтирилган. Жумладан, Ғ.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, А.Давлетов, Б.Х.Пўлатов, А.Т.Алламуратов, Т.А.Умаров, Ғ.Шодиев² ва бошқалар жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш даврида прокурор иштирокини тартибга

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги тахрири). – Т.: Nisim босмохонаси, 2006. – 66 б.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ, 2009.; Жиноят процесси (умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (Иноғомжонова З.Ф.нинг умумий тахрири остида).-Т.:ТДЮИ,2008.; Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: «O'zbekiston», 2009.; Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят иши кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. – Т.: Nisim, 2004; Давлетов А.Д. Прокурорский надзор: учебник. – Нукус. «Билим», 1999.; Шодиев Ғ. Жиноят процессида суд назорати: тушунчаси, турлари // Фан ва Ёшлар. Махсус сон. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 191-193.

солувчи жиноят-процессуал масалаларни очиб беришга ҳаракат қилган.

Битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг меҳнатларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига, амалдаги қонунчиликка ва мавзуга доир адабиётлар асосида ишланган.

Битирув малакавий иши асосан кириш қисмидан, икки боб ва хулоса қисмидан иборат.

Биринчи бобда жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлашнинг ҳуқуқий тартиби, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва унинг аҳамияти ва жиноят иши бўйича суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар кўриб чиқилади.

Иккинчи бобда айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори, жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлаш даврида прокурор иштироки ва амалдаги Жиноят-процессуал кодекси бўйича судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини тартибга солувчи қоидалар илмий таҳлил қилинади.

I-БОБ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУД МУҲОКАМАСИГА ТАЙИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

§.1. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тушунчаси ва унинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «Бугунги кунда фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яшириш, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганлигини таъкидлаш зарур. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди» деб уқтириб ўтган эди¹. Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ ислохотлари, шу жумладан, жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш, жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқиш ва суд инстанцияси ҳисобланган апелляция инстанциясида амалга оширилган ислохотлар ишларни назорат инстанциясида кўриб чиқишда ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди. Мамлакатимиз мустақиллиги даврида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар орасида Жиноят-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12-ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь, № 220 (5135).

процессуал кодекси алоҳида ўрин тутди. Биринчидан у қонунчилик ҳужжатлари ҳажми жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидан кейинги энг йирик кодексдир. Иккинчидан, Жиноят-процессуал кодекси ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг, шу жумладан «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси» ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактнинг умумэтироф этилган барча норма ва принципларига тўла мос келади, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқий мақомини янада мустақамлайди. Учинчидан, баъзан камчилик ва нуқсонлар билан кечган жиноятчиликка қарши кураш амалиётига қайта баҳо берилиши ва хориж тажрибаси қўлланилишида ягона ва батафсил қўлланма бўлиб қолди. Шу боисдан, Б.А. Миренский, «ушбу Жиноят-процессуал кодекси жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриш хартиясидир», деб ёзади.¹ Бундай таъриф бироз баландпарвоз туюлса, лекин ҳаққоний таърифдир. Эътироф этиш жоизки, мазкур жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят ишларини суд муҳокамасига таёрлаш босқичи ҳам ижобий ҳал этилган. Бу эса, ўз навбатида, жиноят процессида шахсий манфаатга эга бўлган иштирокчилар – айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг процессуал кафолати сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деб номланган маърузаларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этиш билан бирга, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Юртбошимиз биринчи галдаги масала сифатида судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ эканлигини эътироф этар эканлар, одил судловни

¹ Травкин О.В. Международное право и национальное законодательство // Закон и право. – 2001. - №12. –Б. 23-25

амалга оширувчи ягона орган бўлмиш судлар мустақиллигини амалда таъминлаш, судларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда дахлсизлигини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш масаласига алоҳида тўхталдилар.¹ Шу аснода айтиб ўтишимиз лозимки, судлар мустақиллигининг янада оширилиши жиноят процессида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида ҳам ўзининг амалий аҳамиятига эга ҳисобланиб, жиноят ишларининг судда адолатли ва самарали кўриб чиқилишига ижобий таъсир этади.

Жиноят процессида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда судлар мустақил ҳаракат этмоқдалар. Бу бўйича юрист-олим Т.Х.Алиев кўйидагича фикр билдиради: «Дарҳақиқат, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш мақсадида суд органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасида ваколатлар доирасининг, яъни суд юрисдикцияси қамровини кенгайтирилиши ҳамда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши давр талабига айланиб бормоқда».²

Жиноят процессида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Унда судьялар (суд раиси) жинойи ишни судда кўриб чиқиш учун етарли асослар мавжудлигини текшириб, бундай асослар етарли деб ҳисоблаганида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлайди.

Суриштирув ва дастлабки тергов ўтказилган ва айблов хулосаси тузилиб, прокурор тасдиғидан ўтган барча жиноят ишлари ушбу босқич орқали ўтади.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 11-14.

² Алиев Т.Х. Назорат инстанцияси судлари фаолияти: назарий ва амалий жиҳатлар // «Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари» атамасида Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 332-333.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш айбланувчининг айбдор эканлигини билдирмайди, балки фуқароларнинг асосиз жиноят ишлари судда кўриш учун тайинланмасликларини кафолатлашга қаратилгандир.

Мазкур босқичда судья ёки суднинг мажбуриятларига далилларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш қирмайди, балки суд мажлисида ишни кўриб чиқиш учун фактик маълумотлар ва ҳуқуқий асосларнинг етарлилиги текширилади.

Жиноят ишини судда тайинлашнинг аҳамияти бир томондан суриштирув ва тергов органларининг ҳаракатларини қонуний ва тўғри олиб борилганлиги ва жиноят ишини судда кўриш учун етарли асослар тайёрланганлигини текшириш бўлса, иккинчи томондан, қонун билан белгиланган асослар ва тартиблардан ташқари ҳеч кимни айбланувчи тариқасида жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас деган қонун талабини тўғри амалга оширишни таъминлайди.

Жиноят ишини судда тайинлаш даврида мазкур жиноят-процесси босқичига раислик қилаётган суднинг фаолияти мурим аҳамият касб этади. Юрист-олим Г.Юсупджанованинг таъкидлаб ўтишича, жиноят ишларининг судда кўриб чиқилишида раислик қилувчи суднинг ваколати қонун доирасида ишни мазмунан кўриб чиқиш ҳисобланади ва, асосан, тарбиявий-ахлоқий тусга эга, деб ҳисоблайди¹.

Жиноят ишини судда кўришга тайинлашда судья хулоса чиқариши учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

- жиноят ишини кўриб чиқиш учун далилларнинг етарлилиги;
- айбланувчининг жавобгарлик даражаси ва характериға таъсир қилувчи ҳолатларнинг, шунингдек айбланувчининг шахсини, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларнинг тўлиқ аниқланганлиги;

¹ Юсупджанова Г. Роль председательствующего в судопроизводстве по уголовным делам // «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жиноят-процессуал қонунчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 240-243.

- жиноят содир этилишига имкон берган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланганлиги.

Судья жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун етарли асослар мавжудлигини аниқлаб, айбдорлик масаласини олдиндан ҳал қилмасдан айбланувчининг жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқаради. Шу вақтдан бошлаб айбланувчи судланувчи деб процессуал мақом олади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда қуйидаги ҳолатлар текширилади:

- Мазкур қилмиш учун жинойй жавобгарлик вужудга келишининг зарурий шартлари;

- Жиноят-процессуал кодекси нормаларининг тўғри қўлланилганлиги;

- Эълон қилинган айбловнинг етарлилиги, тергов жараёнида аниқланган жинойй ҳаракатларнинг барчаси айбловга киритилганлиги ва айбланувчинининг барча ҳаракатлари юридик баҳоланганлиги.

Агар жиноят иши материаллари қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги, ишни тўхтатиш асослари йўқлиги, ишни кўриб чиқиш учун далилларнинг етарлича тўпланганлиги, жиноят иши дастлабки тергов жараёнида олинган материалларга асосан квалификацияланган, терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказилганлиги, Жиноят-процессуал кодекснинг талабларига риоя қилинганлиги, эҳтиёт чораси ҳақидаги масаланинг тўғри ҳал бўлганлиги, айблов хулосаси Жиноят-процессуал кодексининг 379-380-моддаларидаги талабларига асосан тузилганлиги, ушбу суднинг судловига тегишли эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берса, у ҳолда судья ишни мазмунан кўриш тўғрисида қарор чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, судья асос бўлганда жиноят ишини юритишни тўхтатишга ҳақли. Жиноят ишини тугатиш эса фақат суд томонидан суд муҳокамасида ҳал қилинади (Жиноят-процессуал кодекси 401-моддаси).

Суд жиноят ишини, унинг ҳажмини, мураккаблигини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, судланувчини ва унинг ҳимоячисини, ҳимояга

тайёрланиш имкониятига эга бўлишларини назарда тутган ҳолда, қонунда белгиланган муддат ичида, кўриш учун тайинлаши керак.

Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқа қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш судга келиб тушган кундан бошлаб етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Алоҳида ҳолатларда шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткагача узайтириш мумкин (Жиноят-процессуал кодекси 395-моддаси).

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда ҳал қилиниши лозим бўлган ҳолатлар рўйхати жиноят ишини кўриб чиқиш масаласи ким томондан ҳал қилинишидан қатъи назар ўзгармайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 396-моддасида кўрсатилган масалаларни текширмасдан айбланувчини судга бериш ёки судга бермасликни ҳал этиш мумкин эмас. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши лозим бўлади, яъни:

1. иш мазкур суднинг судловига тегишлими;
2. ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар йўқми;
3. ишни суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарлими
4. суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида Жиноят-процессуал кодексининг талабларига риоя қилинганми;
5. айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми;
6. жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганми;
7. айблов ҳулосаси Жиноят-процессуал кодексининг талабларига мувофиқ тузилганми.

Юқорида кўрсатиб ўтилган процессуал масалаларни асосан икки гуруҳга бўлиш мумкин

Биринчи гуруҳ. Жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тўсқинлик қиладиган ҳолатлар (юқорида келтирилган масалаларнинг 1-5 пунктлари);

Иккинчи гуруҳ. Тергов ёки суриштирув олиб борилганида жиноят процессуал ва жиноят кодексларининг талабларига риоя этилганлигини аниқлаш (юқорида келтирилган масалаларнинг 4-7 пунктлар).

Айбланувчининг жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал этишда жиноят ишининг мазкур суднинг судловига кириш ёки кирмаслигини аниқлаш зарур. Агар жиноят ишини шу суднинг судловига тегишли эмаслиги аниқланса, судья тегишли тартибда ажрим чиқариб, жиноят ишини тегишли судга юбориши керак.

Судья жиноят ишини мазкур суднинг судловига тегишли эканлигини аниқлагандан сўнг жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган асослар мавжудлигини текширади.

Агар судья жиноят ишини вақтинча тўхтатишга асослар мавжуд деб ҳисобласа, бу ҳолда судья ажрим чиқариб, ишни тўхтатади.

Жиноят ишини тўхтатишнинг сабабларидан бири, бу айбланувчининг суддан яшириниши ҳисобланади. Терговчи томонидан тухтатилган ишларни аниқлашда суриштирув органлари ҳамкорликни таъминлаши лозим.¹

Агар иш бу айбланувчининг суддан яшириниши сабабли тўхтатилса, терговчи айбланувчини қидириб топиши лозим. Терговчининг қидирув фаолиятини эса, ўз навбатида, уч босқич асосида ўрганишимиз мумкин:

- айбланаётган шахснинг қаерда эканлигини аниқлаш ва шахси билан боғлиқ ҳолатларни тўлиғироқ аниқлаш;
- оператив-қидирув фаолияти ходимларига қидирув билан боғлиқ топшириқлар бериш;
- айбланувчига қидирув эълон қилиш орқали далилларни баҳолашдан иборат.²

Жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун асосларнинг етарлилигини баҳолашда иш ҳолатларнинг ҳар томонлама тўлиқ ва холисона

¹ Быков В.М., Ломоский Б.Д. Приостановление производства по уголовному делу. – М.: Юридическая литература, 1978. – Б. 37.

² Ботиров Х.Х. Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов органларининг фаолияти // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. 4-сон. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 157-159.

аниқланганлиги текширилади. Бунда жиноят ишидаги барча қилмишлар айбланувчига қўйилганлиги ва жиноятга даҳлдор барча шахслар жиноий жавобгарликка жалб қилинганлигини текшириш керак. Агар айбланувчига у томондан содир этилган жиноий қилмишлар қўйилган бўлиб, унга оғирроқ айблов эълон қилиши мумкин бўлса ёки муқаддам эълон қилинган фактик ҳолатлар бўйича фарқ қилса, жиноят иши суд томонидан қўшимча терговга қайтарилади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда жиноят ишини қўзғатиш асослари ва тартибини белгиловчи Жиноят-процессуал кодексининг 322-325-моддаларидаги талабларига риоя қилинганлиги, шунингдек, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишни белгиловчи процессуал нормаларга риоя қилинганлигини ўз вақтида аниқлаш зарур. Чунки бу масалани ҳал этмасдан жиноят ишини суд мажлисида кўриш мумкин эмас

Айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини тўғри белгилаш жиноят процессуал қонунчилигини тўғри амалга оширилишини таъминлайди. Шунинг учун судья айбланувчининг жиноий ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал этишда унга нисбатан эҳтиёт чораси тўғри қўлланилганлигини текшириши лозим. Агар судья эҳтиёт чорасини ўзгартириш зарур (қамокдан озод қилиш ёки қамокқа олиш керак) деб ҳисобласа, судья томонидан мустақил равишда ҳал қилинади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда, ишни тегишлилиги тўғрисидаги масалалардан ташқари, уни олиб боришга тааллуқли ва бошқа процессуал масалалар ҳам, масалан, процессуал чиқимлар ва уларни қоплаш тўғрисидаги масалалар ҳал қилиниши мумкин.

Шунингдек, ишни суд муҳокамасига тайинлаш даврида суд жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарарни қоплашни таъминлаш масалаларини ҳам кўриб чиқиши лозим. Жиноят-процессуал кодексининг 398-моддасида суд томонидан мулкий зарарни қоплашни таъминлаш чоралари ҳақида процессуал қоида ўз аксини топган. Мазкур моддага асосан, яудья дастлабки тергов юритилганда жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарар

қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан кўрилиши мумкин эмаслигини аниқласа, терговчининг зиммасига зарур чоралар кўриш вазифасини юклайди.

Дастлабки терговда исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири етказилган мулкый зарарни қоплаш чораларини кўришдир. Суд муҳокамасига қадар жиноят орқасида етказилган мулкый зарар аниқланиб, уни қоплаш чоралари кўрилган бўлиши шарт. Агар судья жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда жиноят оқибатида етказилган мулкый зарарни қоплаш чоралари етарлича ҳал этилмаган ва суд муҳокамасида буни бартараф этишининг имкони йўқ деб ҳисобласа, ажрим чиқариб, терговчининг зиммасига ушбу масалаларни зудлик билан ҳал қилишни вазифа қилиб юклайди. Бу камчилик терговчи томонидан йўл қўйилганлиги учун ҳам, терговчи томонидан бартараф қилиниши шарт.¹

Жиноят ишини юритишни тўхтатиш масаласи жиноят процессуал қонунчилигида ўз ҳуқуқий асосини топган (Жиноят-процессуал кодекси 399-моддаси). Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида чиқарилган ажримда яширинган айбланувчини қидириш масаласи баён қилиниши лозим. Жиноят иши бўйича айбланувчини қидириш тўғрисида судьянинг алоҳида ажрим чиқариши қонунда тақиқланган эмас. Жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги ажримдан кўчирма ёки қидирув тўғрисидаги ажримнинг нусхаси ижро этиш учун ички ишлар органларига юборилади.

Гуруҳ томонидан содир этилган жиноят ишлари бўйича иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги масала яширинган айбланувчисиз ишни кўриб чиқишда ҳақиқатни аниқлашга асослар борлиги билан боғлиқ ҳолда ҳал қилинади. Бу масала ижобий ҳал қилинганда, яширинган айбланувчига нисбатан алоҳида иш юритиш учун ажратилади, акс ҳолда, иш бўйича ҳамма

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдураҳимов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 618.

айбланувчиларга нисбатан иш юритишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд тиббий эксперти хулосаси билан тасдиқланганда, судья айбланувчи соғайгунга қадар ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради (Жиноят-процессуал кодекси 399-моддасининг иккинчи қисми).

Рухий жиҳатдан бетоб бўлган шахснинг ақли норасо ҳолатда ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этганлиги, ёки жиноят содир этгандан сўнг рухий касалликка чалинганлигини тасдиқловчи асослар мавжуд бўлганда, судья тиббий усулдаги мажбурлов чораларини қўллаш учун бу асосларга риоя қилинганлигини текширади. Айбланувчи қидириб топилган ёки тузалиб чиққан ҳолатларда судья жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида ажрим чиқаради ва ишни судда кўриш учун тайинлаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этади.

Таъкидлаш лозимки, жиноят процессуал қонунига мувофиқ айбланувчининг яшириниб юрганлиги маълум бўлса, Жиноят-процессуал кодекси 399-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, юритишдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади (Жиноят-процессуал кодексининг 400-моддаси).

Жиноят-процессуал кодекси 401-моддасига кўра, Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда суд жиноят ишини тугатади.

Жиноят юз бермаган бўлса, жиноят иши кўзғатилмаслиги, агар жиноят иши кўзғатилган бўлса тугатилиши лозим. Иш судда кўриш учун юборилган бўлса, суд томонидан ишни тугатилиши бекор қилиниб, ҳаракатдан қолдирилиши керак.

Жиноят ишени тугатишда суд Жиноят-процессуал кодексининг 83-84-моддаларидаги асослар билан бирга қуйидаги масалаларни ҳам кўриб чиқиши лозим:

- а) дастлабки терговда айбланувчига нисбатан танланган эҳтиёт чорасини бекор қилиш;
- б) фуқаровий даъвони бекор қилиш.
- в) ашёвий далиллар масаласини ҳал этиш.

Суд мажлисида 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан жамоат учун унча хавфли бўлмаган жиноят содир қилганликлари маълум бўлиб, унга нисбатан жиноий жазо қўллагандан ҳам тугатиш мумкин деган хулосага келса, уни жиноий жазодан озод қилиб, тарбиявий характердаги мажбурият чораларини қўлланиш масаласини қараб чиқиш учун вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияга юборилиши мумкин.

Жиноят ишени судда кўриш чоғида суд қонунда белгиланган асос бўйича жиноят ишени тугатиш ҳақидаги ажрим нусхасини жиноий жавобгарликка тортилган шахс ва иш бўйича жабрланувчига топшириш шарт. Бу ҳолат уларнинг қонуний ҳуқуқларини химоя қилишда катта аҳамиятга эга бўлади. Чунки ишени тугатиш ҳақидаги ажрим устидан судланувчи ва жабрланувчи норози бўлса, юқори судга шикоят қилиш учун ажримдаги асослар билан танишмоғи лозим.

§.2. Жиноят иши бўйича суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар

Суд ҳокимияти ваколатлари доирасининг кенгайтиши билан назарияда ҳам дастлабки тергов ва суриштирувни амалга оширишнинг қонунийлиги устидан суд назоратини жорий қилиш лозимлиги ҳақидаги ёндашувлар кенг тарқалди. Тегишли ҳаракатлар ва қарорлар устидан нафақат прокурорга, балки судьяга ҳам шикоят бериш таомили масаласини ўрганиш ҳам диққатга сазовордир. Зотан, мазкур таомил дастлабки тергов органлари ўз

фаолиятидаф уқарорларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилишнинг кўшимча кафолати бўлиб хизмат қилади.¹

Жиноят-процессуал кодексининг 395-моддасида судга келиб тушган иш бўйича суднинг қандай қарор қабул қилиши ҳақида масала ёритилган. Мазкур моддада жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ёхуд бошқача қарор қабул қилиш тартиби кўрсатилга бўлиб, судья жиноят ишини айблов ҳулосаси билан ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради:

- 1) ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида;
- 2) жиноят иши юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;
- 3) жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида.

Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқача қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш судга келиб тушган кундан бошлаб етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткагача узайтирилиши мумкин.²

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида айбланувчининг айбдорлик масаласи ҳал этилмай, айблов ҳулосаси билан тамомланган жиноят иши материали, тиббий йўсиндаги мажбурий чораларини қўллаш масаласи суд мажлисида кўриб чиқиш учун асосларнинг етарли ёки етарли эмаслиги ҳал этилади. Судья иш материаллари билан танишиб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) жиноят иши барча талабларга тўлиқ жавоб беради деб ҳисобласа, уни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида;

¹ Иноғомжонова З.Ф., Мамадиев Б.Н. Шикоят жиноят процессига суд назоратининг кириб келиши воситаси сифатида // «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жиноят-процессуал қонунчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 5.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдураҳимов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 615.

2) суд муҳокамасида иш кўриш учун тўсқинлик мавжуд деб ҳисобласа, уни тўхтатиш тўғрисида;

3) ишни тугатиш учун асослар мавжуд деб ҳисобласа, уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 401-моддаси бўйича жиноят ишини тугатиш фақат суд мажлисида амалга оширилади. Жиноят-процессуал кодексининг 421-моддасида жиноят иши тугатилиб, оқлов ҳукми чиқарилади ёки асослар мавжуд бўлганида айбдорга жазо белгиламайдиган айблов ҳукми чиқарилади.

Шу аснодн эътироф этиш лозимки, Жиноят-процессуал кодексининг 421-моддасида суд мажлисида жиноят ишининг тугатилиши ҳақидаги масала ўз ифодасини топган. Мазкур моддага асосан, суд мажлисида Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида ва 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2,-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, суд ишни кўришни давом эттиради ва 83-моддада кўрсатилган асослар бўйича оқлов ҳукми, 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2,-бандларида кўрсатилган асослар бўйича эса, айбдорга жазо белгиламай, айблов ҳукми чиқаради.

Суд мажлиси давомида жиноят ишини тугатиш учун асослар, шу жумладан, судланувчини реабилитация этиш учун асослар аниқланса, яъни: 1) суд муҳокамаси ўтказилаётган иш бўйича жиноят ходисаси юз бермаган бўлса; 2) судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса; 3) судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса (Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси), суд жиноят ишини судланувчига нисбатан оқлов ҳукмини чиқариш билан тугатади. Агар суд муҳокамаси даврида Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2 ва 3 бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, яъни: 1) судланувчини жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган бўлса; 2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноятга ёки судланувчига дахлдор бўлса; 3) судланувчи суд муҳокамаси даврида вафот этган бўлса, суд шахснинг жиноят содир этилишида айблилик масаласини ҳал этмай туриб жазо белгиламаган

равишда айблов ҳукмини чиқариш орқали жиноят ишини тугатади (Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддаси учинчи қисми 1, 2 ва 5 бандлари).¹

Ишни судда кўриш учун тайинлаш ёки бошқа мазмундаги қарорлар қабул қилиш, иш судга келиб тушган кундан эътиборан етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши керак, иш ҳажмининг кўплиги муддатни узайтиришга асос бўлади. Суд раиси иш материални ҳажмига кўра у билан танишиш муддатини уч суткага узайтириши мумкин.

Демак, судда қараб чиқиш учун келиб тушган жиноят иши бўйича суд уч қарордан бирини қабул қилади. Агар, жиноят иши суд муҳокамасига қабул қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинса, яъни жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинса, мазкур босқичда прокурор иштирок этмайди. Аммо, жиноят иши юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида ёки жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинса, иш бўйича прокурор иштироки бошланади. Демак, прокурорнинг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёни бошланади. Лекин, бу мавзу илмий тадқиқот ишининг иккинчи бобида атрофлича ўрганилган.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақида қарор чиқарганда суд қарор учун жиноят-процессуал қонунчилиги томонидан қўйилган барча талабларни сақлаши лозим. Ушбу аснода эътироф этишимиз лозимки, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақида қарор чиқаришда аврида суднинг онунийлик тамойилига амал қилиши ҳақида олимлар томонидан кўплаб фикрлар келтирилган. Масалан, ҳуқуқшунос олим Х.З.Қўчқоровнинг таъкидлашича, жиноят-процессда қонунийлик принципининг ўзига хос жиҳати шундаки, суриштирув, дастлабки тергов, жиноят ишини суд муҳокамасига тийинлаш ва суд процессининг барча босқичларида амалга ошириладиган ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонунларга зид келмаслиги ва уларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдураҳимов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 648-649.

мувофиқ амалга оширилиши лозим.¹ Таниқли олим М.Х.Рустамбоев эса, ўз навбатида, қўйидагича фикр билдиради: «Қонунийлик – одил судловнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Жиноят ишларини юритишда одил судлов – бу жиноят-процессуал қонунида белгиланган ва суд қарорларининг қонунийлигини, асослилигини ва адолатлилигини таъминлайдигант артибга қатъий риоя қилган ҳолда суд томонидан, унинг ваколат доирасида, жиноят ишларини яриш ва ҳал қилиш бўйича амалга оширадиган фаолиятидир».² Демак, суд жараёнида қонунийлик принципининг сақланиши ғоят муҳим масала ҳисобланади. Ва, ушбу асосда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «... Фақатгина қонун устуворлиги тамойилига амал қилган ҳолдагина инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва амал қилишни таъминлаш орқалигина фуқаролик жамиятини ривожлантириб бўлади»³, деб айтган фикрлари ҳозирги кунда ҳам одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Одил судлов – давлат фаолиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга йўналтирилган, турли ҳил низоларни ҳал қиладиган давлат органидир.⁴

Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 10-моддасида баён этилган бўлиб, унга мувофиқ «Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбловнинг асосланганлигини аниқлаш учун, тўла тенглик асосида унинг иши ошкора ва барча адолат талабларига риоя қилинган ҳолда

¹ Қўчқоров Х.З., Бабаярова И.М. Одил судловни амалга оширишда қонунийлик принципининг ўзига хос жиҳатлари // «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жиноят-процессуал қонунчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 66.

² Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 23.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис II-чақириқ IX-сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги сўзлаган нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2002-йил 30-август.

⁴ Қўчқоров Х.З., Бабаярова И.М. Одил судловни амалга оширишда қонунийлик принципининг ўзига хос жиҳатлари // «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жиноят-процессуал қонунчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 68.

мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга».¹ Бу ҳуқуқ 1966 йилги «Фуқоралик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт» нинг 14-моддаси 1 бандида, ва «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси»нинг 6-моддасида² янада кенгроқ ўз ифодасини топган.

Шунингдек, инсоннинг суд ҳимоясига бўлган мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унда «Ўзбекистон Республикаси фуқораси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», деб ёзиб қўйилган. Конституциясининг 106-моддасида эса «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади» дейилади. Бошқача қилиб айтганда, одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ, «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди ва бўндай аралашиниш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади».³

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятидан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғилланиши мумкин эмас.

¹ Международные Конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью / Составитель: доктор юридических наук, проф. Ю.Б. Пулатов. – Т., 1995, Б.12

² Права человека и судопроизводство // Собрание международных документов. – Варшава, 1994. - Б.235-255.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2008. 19-, 106-, 112-моддалари.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунга кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиш мумкин.

Судларнинг асосий фаолият йўналиши қонун асосида одил судловни амалга оширишга қаратилгандир. Яъни, суд жараёнинг фақат қонун асосида олиб борилиши; суд муҳокамасининг, қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари, очик олиб борилиши; томонларнинг иштирокисиз суд олиб борилмаслиги; суд иштирокчиларининг барчасига тегишли ҳуқуқ берилиши ва мажбуриятлар юклатилиши одил судловни амалга оширишга яратилган асослар бўлиб ҳисобланади.¹

Судьянинг жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақидаги қарори кириш, тавсиф ва қарор каби уч қисмдан иборат бўлади. Қарорнинг кириш қисмида-қарор чиқарилган жой ва вақти, судьянинг фамилияси кўрсатилади. Тавсиф қисмида-жиноят ишининг суд мажлисида кўриш учун тўплаган далилларнинг етарли бўлганлиги, суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг иштироки, агар илтимослар қилинган бўлса, ундай илтимосларни қаноатлантирганлиги ёки рад этилганлигини қайд этиш керак. Қарор қисмида-иш юзасидан қабул қилинган қарор, яъни жиноят иши судда кўриш учун тайинланган, айбланувчининг исми, фамилияси, Жиноят Кодексининг қайдномаси, суд мажлисида кўриш учун тайёргарлик билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳал этилганлиги кўрсатилади. Тавсиф ва қарор қисмлар жиноятнинг характери, тури ва қабул қилинган тўхтамнинг мазмунига боғлиқ.

Судья жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақида қарор чиқариш даврида жиноят иши билан қонунда белгиланган муддатда танишиб чиқар экан, ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни қандай ҳал қилинганлигига эътиборини қаратиши лозим: - жиноят ишининг қайси суднинг судловига тегишли эканлигига; - ишни тугатиш ёки тўхтатиш асосларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига; - иш тўла, ҳар томонлама холисона текширилиб, исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси // Муаллифлар жамоаси. – Т.: Адолат, 2009. – Б. 343.

исботланганлигига; - суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида Жиноят-процессуал кодексида белгиланган жиноят ишени кўзғатиш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширилганлиги, зарурий процессуал ва тергов ҳаракатларининг тўғри бажарилганлиги, процессуал ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги ва ҳоказо қонун талабларига риоя қилинган ёки қилинмаганлигига; - айбланувчига унинг қилмиши ва шахсига муносиб эҳтиёт чораси танланган ёки танланмаганлигига; - жиноят оқибатида етказилган мулкый зарарни қоплаш чоралари кўрилган ёки кўрилмаганлигига; - айблов ҳулосасининг жиноят ишидаги ҳақиқий ҳолатларга мос ҳамда Жиноят-процессуал кодексида кўйилган талабларга мувофиқ тузилганлигига ва ҳоказо.¹

Бу масалаларни тўғри ҳал қилинганлиги суд мажлисининг ўз вақтида, мазмунан ҳал қилинишига имкон яратади.

Судьянинг жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорида қуйидагилар акс этиши керак:

- 1) қарор қачон ва қаерда чиқарилгани;
- 2) судьянинг лавозими ва фамилияси;
- 3) судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, Жиноят кодексининг унга нисбатан эълон қилинган айбга доир моддаси;
- 4) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги ҳулоса;
- 5) судланувчиларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор;
- 6) суд маҳокамасида давлат айбланувчисининг, шунингдек ҳимоячининг иштироки;
- 7) суд муҳокамаси ўтказиладиган жой ва вақт кўрсатилиши лозим.

Қайд этиш лозимки, жиноят ишени судда кўриш учун тайинлангандан сўнг судья томонидан бирқатор процессуал ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 616-617.

амалга оширилади. Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлашни илмий тадқиқ этиш жараёнида ушбу амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлангандан сўнг судья томонидан бир қанча процессуал ҳаракатлар амалга оширилади. Судья жиноят ишини судда кўриш учун тайинлангандан сўнг процессуал иштирокчиларни жиноят иш материаллари билан танишиши учун барча шароитларни яратиб беради ва уларга иш материалдан нусха олишларига рухсат беради.

Агар судда жиноий иш материаллари билан бир неча иштирокчи танишиши лозим бўлса, уларга навбат белгиланади. Қамокда сақланаётган судланувчи учун жиноят иши материали билан танишиш жойи судья томонидан белгиланади. (У қамокда сақланаётган муассаса биносига ёки суд биносига иш материаллари билан таништирилади).

Агар жиноят иши материалида давлат сири билан боғлиқ бўлган маълумотлар бўлса, суд уларни ошкор бўлмаслигини таъминлаши шарт. Судья иш билан танишиш давомида жиноят иши материалларидан қилинган кўчирмаларни суд мажлисигача судда сақлаш ҳуқуқига эга.

Ҳимоячи ва судланувчи иш материали билан биргаликда ёки алоҳида танишишлари мумкин. Судланувчи танлаб олган ҳимоячи узоқ вақт иш материали билан танишиш учун кела олмаса, судья судланувчига бошқа ҳимоячини танлашни таклиф қилади ёки юридик масалаҳат орқали уни тайинлаш чораларини кўради.

Иш материали билан танишиш тамомлагандан сўнг процесс иштирокчиси қоида бўйича суд мажлисида кўриб чиқиш учун илтимоснома бериши мумкин. Ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ илтимосномалар суд мажлиси бошлангунга қадар судья томонидан ҳал қилинади.

Жиноят иши материали билан танишганлик ҳақидаги суд ажримида ёки процесс иштирокчисининг ёзма илтимосномасида иш билан танишиш вақти белгиланиши зарур.

Айблов хулосасининг нусхаси суд мажлиси бошланишидан уч кун аввал топширилиши лозим.

Агар суд жиноят ишини кўришни кейинга қолдирадиган бўлса, иш бўйича иштирокчиларнинг рўйхати ўзгарадиган бўлса, судья томонидан ажрим чиқарилади ва томонларга маълум қилинади.

Судья жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш қарорида кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида, суд котибияти томонидан ижро этиладиган фармойиш беради.

Суд мажлисига тайёргарлик учун судья томонидан кўриладиган бошқа чораларга қуйидагилар киради: халқ масалахатчилари (уларни шу иш бўйича танишишга шароит яратиш), давлат айбловчиси, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, таржимоннинг келишини таъминлаш.

Жиноят-процессуал кодексининг 405-моддасига биноан жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги қарор чиқарилган вақтдан бошлаб, кўпи билан ўн суткада суд ишини кўришни бошлаши керак. Жиноят ишини кўриб чиқиш бошланган вақтдан эътиборан узоғи билан икки ой ичида суд уни мазмунан ҳал этишни тугаллаши лозим.

II-БОБ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУД МУҲОКАМАСИГА ТАЙИНЛАШ ДАВРИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ

§.1. Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори

Энг биринчи навбатда прокуратура ва прокурор атамаларига эътибор берсак. «Прокуратура» атамаси лотинча «prokuro» сўзидан олинган бўлиб, «қайғураман», «ғамхўрлик қиламан», «химоя қиламан», «таъминлайман», «бартараф этаман» каби маъноларни англатади. Прокурор эса, прокурор назоратини амалга ошириш учун маълум ваколатлар билан таъминланган лавозимли шахс.¹

Прокурорлар ҳамма вақт жиноят процесси ичида бўлиб келган ҳамда вақти-вақти билан ислоҳатлар жараёнини бошдан кечирган. Прокурор назоратининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти сиёсий тузумга ва тегишили ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликка боғлиқ бўлиб келган.² Бу ҳол ўз навбатида жиноят – процессуал қонунчилик мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказган, яъни у қонунийлик ҳолатини мустақкамлашга ҳамда жиноятчиликка қарши кўрашга қаратилган бўлиши лозим эди.

Келтирилган атамаларга қараб, «прокуратура» сўзининг икки хил маъноси ҳақида фикр юритиш мумкин, деб таъкидлайди мазкур соҳадаги машҳур олим, профессор Б.Х.Пўлатов. Яъни, бу сўзни кенг маънода назоратни амалга оширувчи давлат органи сифатида тушиниш мумкин. Тор маънода эса бошқа ҳокимият тармоқларига кирмайдиган, назоратни амалга оширишги мўлжалланган махсус давлат органлари тизими тушунилади.³

Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасида «Суд ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан махрум этилган ёки қонун ёҳуд суд

¹ Қаранг: Юридический словарь / Сост., предисл., прилож. А.Ф.Никитина. – М.: ОЛМА-ПРЕСС Образование, 2004. – Б. 457; Юридикалык терминлардиң қарақалпақша түсиндирме сўзлиги / Дүзиўшилер: П.Тегенов Ж., Тилеўов Е., Есбергенов Р. – Н.Қис, «Қарақалпақстан» баспасы, 2003. – Б. 47-48.

² Мельников Н.В. Прокурорская власть. // Государство и право. - 2002. - №2. - Б.14-20.

³ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т.: О'ЗБЕКЇСТОН, 2009. – Б. 8.

хукмида назарда тутилганидан ортиқ мудат хибсда ушлаб турилган ёки камоқда сақланган ҳар қандай шахсни дархол озод қилиши шарт»лигига урғу берилди. Бу ўринда, прокурорнинг суриштирувчи ва терговчилар ҳаракатига нисбатан муносабати назарда тутилган, чунки судда шахсни хибсдан озод қилиш унинг ваколатига кирмайди¹.

Асосийси, судда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан ажратилган, бу эса суд муҳокамасида томонларнинг ўзаро тортишувини таъминлайди.²

Давлат айбловчиси – прокурор ва жамоат айбловчилари суд муҳокамасида томонлар сифатида жиноят процессининг бошқа иштирокчилари билан бир каторга қўйилди ва улар, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳомиячиси, шунунгдек жабрланувчи, фуқаравий даъвогар, фуқоравий жавобгар ва уларнинг вакиллари билан бирга суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш даврида энг аҳамиятга молик жиҳатларнинг бири, бу – жиноят ишида судгача фаолиятда ҳеч бир процессуал камчиликнинг бўлмаслигидир. Жиноят ишининг суд муҳокамасида натижали кўриб чиқилиши ва адолатли қарор қабул қилишининг процессуал кафолати сифатида эса, ўз навбатида, прокурорнинг жиноят ишини тўлиқ ва холисона кўриб чиқиши ва ундаги камчиликларни бартараф қилиши хизмат қилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 384-моддасида айблов ҳулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ҳал этиши лозим бўлган

¹ Синалников Ю. Полномочия прокурора в доступном производстве по новому уголовно-процессуальному законодательству // Законность. - 2002. - №3. - Б.6-10.

² Макарова З. Состязательность нужна, но какая? // Законность. – 1999. - №3. - Б.24-27; Коньтов И. Нужна – ли такая состязательность? // Законность. – 1998. - №9. - Б.25-28.

масалалар тизими келтириб ўтилган ва ушбу масалаларни прокурор жиноят ишини судга юбориш даврида тўлиқ аниқлаши лозим.

Прокурор ёки унинг ўринбосари терговчидан айблов хулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқиши ва:

1) айбланувчи зиммасига қўйилаётган қилмиш содир этилган ёки этилмаганлигини ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлигини;

2) қўйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асослантирилган-асослантирилмаганлигини;

3) айбланувчининг исботланган барча жиноий қилмишлари айблов мазмунига киритилган-киритилмаганлигини;

4) жинояти фош қилинган барча шахслар айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган-қилинмаганлигини;

5) айбловни ёки ишни тугатишга сабаб бўладиган ҳолатлар бор-йўқлигини;

6) айбланувчининг қилмишларига тўғри ёки нотўғри тавсиф берилганлигини;

7) эҳтиёт чораси тўғри ёки нотўғри танланганлигини;

8) фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини;

9) жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланган-аниқланмаганлигини ҳамда уларга барҳам бериш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини;

10) тергов синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказилган-ўтказилмаганлигини;

11) айблов хулосаси Жиноят-процессуал кодексининг 379 ва 380-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилган-тузилмаганлигини;

12) суриштирувчи ва терговчи Жиноят-процессуал кодексининг бошқа талабларига риоя қилган-қилмаганлигини текшириши шарт.

Демак, Жиноят-процессуал кодексининг 384-моддасида айблов хулосаси билан терговчидан келган жиноят иши бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган асосий масалалар баён этилган. Терговчи ана шу асосий масалалар бўйича, шунингдек, Кодекс моддаларининг бошқа талаблари бўйича асослантирилган қонуний қарорлар қабул қилган-қилмаганини чуқур текшириш – прокурорнинг туб вазифасидир.

Айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурор бирор процессуал ҳаракатни бевосита ўзи ёхуд бошқалар ёрдамида ўтказиши мумкин эмас. Моддада кўрсатилган масалалар бўйича айблов хулосаси ва иш материаллари бир-бирига зид келмаслиги шарт.

Жиноят иши бўйича бирор масала ғайриқонуний ёки асоссиз ҳал этилган деб ҳисобласа, прокурор айблов хулосасини тасдиқламай, ишни ўз кўрсатмаси билан терговчига қайтаради. Фақат айблов мазмунидан баъзи айбни оғирлаштиришга қаратилган маълумотларни чиқариб ташлаш, енгилроқ жиноятни назарда тутувчи қонунни қўллаш зарур бўлса, прокурор бу ҳақда ўзгартиришларни акс эттириб, айблов хулосасини тасдиқлаши мумкин. Лекин масалани бу тарзда ҳал этилиши иш бўйича бошқа шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатини чекламаслиги шарт.¹

Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан суриштирув ва дастлабки тергов устидан назорат олиб боровчи прокурор маълум турдаги қарор қабул қилади. Жиноят-процессуал кодексининг 385-моддасида айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича қабул қилинадиган қарорлар келтириб ўтилган ва, ўз навбатида, прокурор ушбу қарорлардан бирин шартли равишда қабул қилиши лозим.

Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори жиноят ишининг кейинги тақдирини белгилайди. Шунинг учун ҳам, прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосаси билан келган жиноят

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдураҳимов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 602-604.

ишини кўпи билан беш суткада кўриб чиқиши ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши шарт:

- ишни судга юбориш учун асослар мавжуд деб топиб, айблов хулосасини тасдиқлаш;

- ўз қарори билан айблов мазмунидан айрим бандларни чиқариб ташлаш, енгилроқ жиноятни назарда тутувчи қонунни қўллаш ва шу ўзгартиришлар билан айблов хулосасини тасдиқлаш;

- қўшимча тергов ўтказиш учун ишни ўз кўрсатмалари билан терговчига қайтариш;

- ишни юритишни тўхтатиш;

- ишни тугатиш.

Башарти айбловни тўлдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёхуд ҳақиқий ҳолатларга кўра аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгартириш талаб қилинса, прокурор ёки унинг ўринбосари қўшимча ёки ўзгартирилган айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради.

Демак, айблов хулосаси билан келган ишни прокурор ёки унинг ўринбосари беш суткадан кечиктирмай кўриб чиқиши ва айблов хулосасини тасдиқлаб ишни судга юбориши, асослар бўлса, - иш юритишни тўхтатиши, тугатиши ёки қўшимча терговга қайтариши лозим.

Жиноят-процессуал қонунчиликка кўра, айбни тўлдириш, оғирлаштириш ёки жиддий фарқ қиладиган мазмунда ўзгартириш лозим деб топса, прокурор ёки унинг ўринбосари ишни қўшимча терговга қайтаради. Башарти айбловни қисман камайтириш, енгиллаштириш зарур бўлса, бу ҳақда кўрсатиб айблов хулосасини тасдиқлайди. Бундай ўзгартиришларни прокурор ва унинг ўринбосари ўз қарори билан эътироф этиши амалиётда маъқул ҳисобланади.¹

Суд муҳокамаси давомида бартараф этилиши мумкин бўлган камчиликлар сабабли жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш мақсадга

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдураҳимов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 604-605.

мувофиқ эмас, чунки бу ишни имкон борича мазмунан тезроқ ҳал қилишга путур етказди.

Жиноят-процессуал қонун талабларига кўра асослар мавжуд бўлса, прокурор ёки унинг ўринбосари унга айблов хулосаси билан келган жиноят ишини тўхтатиш ёки тугатиш тўғрисида 373-374-моддаларга биноан қарор қабул қилиб ёхуд бу ҳақда терговчига тегишли кўрсатма бериб, жиноят ишини терговчига қайтаришга ҳақли. Бу ҳақда терговчи иш бўйича ҳуқуқий манфаати бор шахсларга хабар беради ва уларнинг ҳуқуқларини тушунтиради.¹ Бу орқали эса, ўз навбатида, жиноят содир этишга алоқаси бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Демак, хулоса шундан иборатки, прокурор жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Сабаби, прокуратура ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишга мўлжалланган давлат органларининг биридир. Бироқ, бу функция унинг бутун фаолиятини камраб олмайди.² Прокуратурага давлат ҳокимиятидаги уч тармоқнинг ҳеч бирига қирмайдиган мустақил давлат органи сифатида қараш зарур. Бу эса прокуратура органлари самарали ишлашининг асосий шартидир.³

Жиноят-процессуал кодексининг 373-моддаси жиноят ишини тугатиш масалаларига қаратилган ҳисобланиб, жиноят иши Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тугатилади. Гумон қилинувчи ва айбланувчи шахслар дастлабки тергов натижаларига кўра айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши, шунингдек, уларнинг айблилигини ҳал қилмай туриб, жиноят иши Кодекснинг 83-84-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра тугатилиши лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Т.: ТДҶОИ, 2009. – Б. 604-605.

² Қаранг: Галузо В.Н. Система правоохранительных органов: учебник. – М., 2000. – Б. 10-14; Рахлин В.И., Сидарук М.М. Правоохранительная функция прокуратуры. – Санкт-Петербург, 2000. – Б. 20-24.

³ Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т.: О'ЗБЕКЇСТОН, 2009. – Б. 8.

Жиноят-процессуал кодексининг 374-моддасида эса жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор ва уни қабул қилиш қоидалари тартибга солинган.

Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилади.

Қарорнинг тавсиф қисмида:

1) жиноят ишини қўзғатиш асослари ва унинг содир этилишига доир тергов вақтида текширилган тусмоллар;

2) гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларга қўйилган айб ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, башарти бу шахсларга қўйилган гумон ёки айб илгари чиқарилган алоҳида қарор билан тугатилмаган бўлса;

3) жиноят ишини тугатиш асослари;

4) бу асосларни тасдиқловчи далиллар, улар ишнинг қайси жилдлари ва саҳифаларида акс эттирилганлиги;

5) ашёвий далилларнинг рўйхати, бу ашёлар сақланаётган жой ва уларнинг эгалари, шунингдек, манфаатдор шахслар ёки муассасалар томонидан бу ашёларни уларга қайтариб бериш тўғрисидаги илтимослари, башарти шундай илтимос қилинган бўлса;

6) фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари баён қилинади

Қарорнинг хулоса қисмида:

1) жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги;

2) гумонни ёки айбловни олиб ташлаш тўғрисидаги;

3) эҳтиёт чораларини, шунингдек, таъминлаш учун кўрилган чораларни бекор қилиш тўғрисидаги;

4) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарорлар баён қилинади.

Суд томонидан қўзғатилган иш тугатилган ҳолларда бу ҳақда мазкур судга хабар қилинади.

Ҳарбий хизматга чақирилувчи шахсга нисбатан иш тугатилганда терговчи бу ҳақда етти кунлик муддат ичида ёзма тарзда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига хабар қилади.

Жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарорни терговчи мустақил қабул қилади ва бу ҳақда гумон қилинувчига, айбланувчига, уларнинг ҳимоячисига, шунингдек, жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига хабар беради. Агар жиноят иши бирор корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг берган ахбороти асосида қўзғатилган ёхуд уларнинг қонуний манфаатларига алоқадор бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқарога ҳам хабар берилиб, ишни тугатиш тўғрисида қарор устидан прокурорга шикоят қилиш мумкинлиги ҳақида уларга тушунтирилади.

Эътироф этиш лозимки, жиноят иши тугатилгани тўғрисида қарорнинг нусхаси назорат юритувчи прокурорга, агар ишни суд томонидан қўзғатилган бўлса, судга хабар юборилади. Ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин бўлган шахсга нисбатан жиноят иши тугатилган бўлса, бу ҳақда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига етти кундан кечиктирмай ёзма хабар берилиши шарт. Юқорида кўрсатилган бошқа шахсларга ва идораларга жиноят иши тугатилгани ҳақида хабар неча кун ичида берилиши кераклиги қонунда кўрсатилмаган. Амалиётда бундай хабар узоғи билан бир hafta ичида ёзма тарзда юборилади.

Жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарорда ишга хос ҳолатлар баён этилади. Қарорнинг хулоса қисмида қарордан норози бўлганлар шикоят қилишга ҳақли экани ва гумон қилинган, айбланган, мажбурлов чоралари кўрилгани оқибатида зиён кўрган, азият чеккан шахсларнинг реабилитация этилиши тўғрисида ҳам баён қилинмоғи лозим.

Бу ҳолатлар, асосан, жиноят ишини тугатиш масалалар билан боғлиқ қоидалар ҳисобланиб, агар, асос мавжуд бўлса, жиноят ишини тугатилиши лозим. Аммо, мазкур параграфнинг предмети айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурор ҳаракатларини ўрганишга қаратилган. Шу

боисдан, мазкур масала асосида прокурор ваколатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу аснода эътироф этиш лозимки, айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор эҳтиёт чораси ҳақидаги масалани ҳам қараб чиқиши лозим. Жиноят-процессуал кодексининг 386-моддасида айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурорнинг эҳтиёт чораси тўғрисида қарори келтирилган бўлиб, унга асосан айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурор ёки унинг ўринбосари эҳтиёт чорасини ўз қарори билан бекор қилишга, ўзгартиришга ёки илгари эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, шундай чорани татбиқ этишга ҳақлидир. Бунда Жиноят-процессуал кодексининг 28-бобидаги қоидалар қўлланилади.

Прокурор ва унинг ўринбосари ўз назорати остидаги жиноят иши, жумладан унга айблов хулосаси билан юборилган иш бўйича эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли.

Айблов хулосаси билан келган иш юзасидан Жиноят-процессуал кодексининг 384-моддада санаб ўтилган масалаларни қандай ҳал этилганини инобатга олиб, прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаши, енгил ёки оғир томонга ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Бу Жиноят-процессуал кодексининг 28-бобидаги қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Яна бир таъкидлаб ўтадиган процессуал қоида шундан иборатки, айблов хулосаси билан келган иш юзасидан прокурор суд мажлисида кимлар иштирок этиши лозимлиги ҳақидаги масалани атрофлича кўриб чиқиши лозим. Агар, лозим бўлса, терговчи томонидан тузиб чиқилган суд мажлисида иштирок этувчи шахслар рўйхатини ўзгартириши мумкин. Мазкур процессуал қоида Жиноят-процессуал кодексининг 387-моддасида келтирилган бўлиб, бу моддада прокурорнинг суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини ўзгартириш тартиби келтириб ўтилган.

Демак, жиноят иши судга юборилгунга қадар прокурор ёки унинг ўринбосари суд мажлисига чақириладиган шахсларнинг рўйхатини ўз қарори

билан қисқартириш ёки тўлдиришга ҳақлидир. Бунда айбланувчилар, муомала лаёқатига эга бўлган жабрланувчилар, вояга етмаган айбланувчиларнинг қонуний вакиллари, шунингдек, фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахслар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинганлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан тушириб қолдирилиши мумкин эмас. Дастлабки терговда гувоҳ сифатида сўроқ қилинмаган ва эксперт сифатида хулоса бермаган шахслар рўйхатга қўшимча қилиб киритилиши мумкин эмас.

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини терговчи жиноят ишидаги айбланувчилар, жабрланувчи, гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганлар, экспертлар, мутахассислар доирасида тузади. Аммо, гувоҳ сифатида сўроқ қилинган, лекин иш бўйича ҳеч қандай маълумотларга эга бўлмаганлар судга чақирилувчилар рўйхатига киритилмаслиги мумкин.¹

Терговчи томонидан тузилган судга чақирилиши лозим бўлганлар рўйхати қатъий эмас. Уни прокурор ўзгартириши ёки тўлдириши мумкин. Лекин жиноят иши бўйича ҳуқуқий манфаатга эга бўлган шахслар, яъни моддада кўрсатилгандек, айбланувчилар, вояга етмаган айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари рўйхатдан чиқариб юборилиши мумкин эмас.

Терговчи ҳам, айблов хулосасини тасдиқлаган прокурор ёки унинг ўринбосари ҳам сўроқ қилинмаган шахсни, эксперт ёки мутахассис сифатида дастлабки тергов пайтида қатнашмаган шахсни судга чақирилувчилар рўйхатига қўшимча ҳақли эмас. Агар бунга зарурат бор деб ҳисобласа, прокурор суд мажлисида тегишли илтимос билан судга мурожаат этишига йўл қўйилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдураҳимов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 602-604.

Суд мажлисига рўйхатдагиларни чақириш, кўшимча гувоҳ, эксперт, мутахассис ва бошқа зарур шахсларни таклиф этиш суднинг ихтиёрига боғлиқ.

Айблов хулосаси билан келган иш юзасидан прокурор жиноят ишини судга юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқади. Жиноят-процессуал кодексининг 388-моддасида прокурор томонидан жиноят ишини судга юбориш қоидаси кўрсатилган. Мазкур қоидага мувофиқ, прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосасини тасдиқлаб, жиноят ишини тегишли судга юборади. Шу судга иш билан бирга суд мажлисида текшириш ва ҳал этиш учун барча илтимослар ва шикоятлар юборилади.

Прокурор ёки унинг ўринбосари ишнинг судга юборилганлиги ҳақида айбланувчига ва ҳимоячига, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига дарҳол хабар қилади ва, агар илтимослари бўлса, уларни судга юборишга ёки суд мажлисида баён қилишга ҳақли эканликлари тўғрисида маълум қилади. Айни вақтда прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчига ва ҳимоячига айблов хулосаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини юборади, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати бундан мустасно, башарти айблов хулосасига ёки иловага ўзгартишлар киритилган бўлса, уларни ўзгартириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юборилади.

Демак, жиноят иши мазмунан кўриш учун судга юборилгани ҳақида, айни вақтда, айбланувчи, унинг ҳимоячиси, вояга етмаган айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакилларига хабар берилади ва уларга иш бўйича илтимос ва шикоятларини судга оғзаки ёки ёзма билдиришга ҳақли эканлиги тушунтирилади.

Прокурор томонидан айблов хулосасининг нусхаси айбланувчи ва унинг ҳимоячисига юборилади. Жабрланувчи ва бошқа ишдан манфаатдор шахсларга айблов хулосаси уларнинг илтимоси бўйича тақдим этилади. Айблов хулосасига иловалар ҳам юқоридаги шахсларга берилиши мумкин.

Айблов хулосасини тасдиқлашда унга прокурор ёки унинг ўринбосари киритган ўзгаришлар ҳам уларга берилади.

Судга чақирилувчилар рўйхати айбланувчи, унинг химоячиси ва суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига берилмайди.

Жиноят иши судга оширилгагидан кейин прокурор суд муҳокамасига тайёргарлик кўради ва давлат айбловини қўллаб-қувватлайди. Давлат айбловини қувватлаш сифатини ошириш кўпгина омилларга боғлиқ. Машхур олим, профессор Б.Пўлатовнинг таъкидлаб ўтишича, бундай омиллардан бири прокурорнинг суд мажлисига тайёргарлик кўришидир. Жиноят иши хужжатларидан яхши хабардор бўлган ва суд муҳокамасига пухта тайёргарлик кўрган прокуроргина суд процессида пайдо бўладиган барча масалаларни ҳал эта олади. Давлат айбловчисининг суд мажлисида сусткашлик кўрсатишининг сабаби унинг жиноят иши материалларини билмаслиги ёки бўш билиш билан изоҳланади. Бу эса ўз навбатида унинг суд процесси боришига ва таъсир кўрсатиш имкониятини йўққа чиқаради. Бундай вазият туғилганда айблов функциясини суд у ёки бу даражада ўз зиммасига олади, чунки судланувчининг этганлигини фош этувчи далилларни айбловчи иштирокисиз, мустақил ҳолда тўплаш ва текширишга мажбур бўлади. Айрим ҳоллард бу судланувчида суд тартибига нисбатан ишончсизлик туйғусини ўйғотувчи ва унда бутун суд муҳокамаси айблова мойил деган тасаввур ҳосил қилиши мумкин.¹ Суд прокурорнинг давлат айбловини қўвватлашдаги камчиликларини ўз фаоллиги билан тўлдиришга ҳаракат қилмаган ҳолларда суд хатоларини истисно қилиб бўлмайди. Шундай қилиб, прокурорнинг суд мажлисига сифатли тайёргарлик кўришининг аҳамияти катта.²

Ҳозирги даврда амалиётда давлат айбловчисининг суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш дастури тавсия қилинган. Ушбу дастур ўн йилдан ортиқ

¹ Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят иши кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти: ўқув қўлланмаси. – Т.: Nisim, 2004. – Б. 93.

² Кириллова Н.П. Процессуальные и криминалистические особенности поддержания государственного обвинения в суде первой инстанции: учебное пособие. – Санкт-Петербург, 1996. – Б. 4 .

ис стажига эга бўлган прокурор ходимлар қўвватлаган 300 дона жиноят ишини ўрганиш асосида яратилган.¹

Бундай ташқари, прокурорнинг психологик (рухий) маданияти давлат айбловчисининг профессионал маҳоратини белгиловчи омиллардан бири саналади. Давлат айбловчиси психологик билимлар тизимини, шунингдек, турли мураккаб вазиятларни енгиб ўтишга қўмаклашувчи ҳамда жиноят ишида ҳақиқатни юзага чиқаришнинг асосий калити ҳисобланувчи иш тажрибаси ва кўникмасига эга бўлиши лозим.²

Аёнки, суд мажлисига сифатли тайёргарлик кўриш учун давлат айбловчиси жиноят ишиги доир барча материалларни ўрганиб чиқиши лозим бўлади. Бироқ, амалда ҳамма вақт ҳам бунинг уддасидан чиқиш анча қийин масала ҳисобланади.

Суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш якка тартибда амалга оширилади, у айбловчидан хотира, таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш ва прогноз қилиш қобилиятига эга бўлишини тақоза этади. Айни вақтда, бундай тайёргарлик қонуниятларини ўрганиб, иккита характерли тактик усулни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи усулга мувофиқ, иш материалларини ўрганиш жиноят ишини қўзғотиш тўғрисидаги қарордан бошланади ҳамда терговчи уни тизимлаштирган тартибда давом этади. Иккинчи усулда ишни ўрганиш айблов хулосасидан бошланади, сўнгра бошка материаллар ўрганилади. Кейинги усул, профессор Б.Х.Пўлатовнинг кўрсатиб ўтишича, амалиётда кенг тарқалган.³

Кўрсатиб ўтилган иш материалларини ўрганиш усуллари айбловга мойилликни келтириб чиқармайди, балки прокурорга ишни қўшимча терговга юбориш ҳақидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш орқали бирқатор тергов хатоларини бартараф этишга ёрдам беради.

¹ Давлат айбловчисининг суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш дастури / Тузувчи: юридик фанлар доктори, проф. Б.Х.Пўлатов. – Т., 2002.

² Васильев Л.В. Психологическая культура прокурорско-следственной деятельности: учебное пособие. – Санкт-Петербург, 1998. – Б. 31.

³ Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят иши кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти: ўқув қўлланмаси. – Т.: Nisim, 2004. – Б. 95.

Хулоса сифатида эътироф этиш лозимки, давлат айбловини қўллаб-қўвватлашнинг сифати прокурорнинг ишни биринчи суд инстанциясида муҳокама қилишига тайёргарлик қилишига боғлиқ. Суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш жараёнида прокурор жиноят ишининг ҳар бир жиҳатини, ҳар бир ҳолатини эътиборга олиши керак. Жиноят ишини ўрганиш жараёнида ўқиб чиқиш ва тушуниб олиш учун кўпроқ вақт ажратиш зарур бўладиган, барча материаллар орасидан энг муҳимини алоҳида ажратиб олиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, суд муҳокамасида давлат айбловини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

§.2. Жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлаш даврида прокурор иштироки

Жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлаш жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, унда жиноят ишининг кейинги тақдири ҳал қилиниши мумкин. Суд фаолиятининг айнан шу босқичидан прокурорнинг тортишувни чуқурлаштиришга қаратилган айблов функцияси бошланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонунида бу функция аниқ ўз ифодасини топган. Жумладан, Қонуннинг 33-моддасида «Прокурор суда жиноят ишлари кўрилаётганда давлат айбловини қўллаб-қувватлайди. Прокурор суда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг қўлланилиши хусусида ўз фикрини билдиради» делинса, 35-моддасида «Прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтиришга ҳақли» дейилган.¹ Айни пайтда, бу функция амалдаги Жиноят-процессуал кодексида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлаш босқичида айблов функцияси тўла намоён бўлмайди, негаки процессининг ушбу босқичида

¹ Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуни – Т.: Nisim, 2006. – Б. 24-25.

судья айбланувчи (судланувчи)нинг айбдорлиги тўғрисидаги масалани эмас, балки жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш масаласини ҳал қилади. Фақат суд муҳокамасини муваффақиятли ўтиказишга ҳалал берувчи асосларгина (жиноят ишини тўхтатиш ёхуд тугатиш учун асослар) текширилади.

Жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлашда прокурор иштироки бирмунча чекланган. Жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлашни процессуал тартибга солувчи Жиноят-процессуал кодексининг 49-бобида прокурор фақатгина уч марта тилга олинади.

Биринчи. Жиноят-процессуал кодексининг 397-моддасида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ажрим бандларида, суд муҳокамасида давлат айбловчисининг, шунингдек химоячининг иштироки хақида кўрсатилиб ўтилади.

Иккинчи. Жиноят-процессуал кодексининг 400-моддасида айбланувчи яширишгани учун юритувдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади.

Учинчи. Жиноят-процессуал кодексининг 404-моддасига мувофиқ суднинг жиноят ишини кўшимча терговга қайтариш ва ишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан прокурор хусусий протест билдириши мумкин.¹ Яъни, прокурор Жиноят-процессуал кодексининг 497⁹-моддасига мувофиқ, иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда хусусий протест билдириши ёки Жиноят-процессуал кодексининг 498-511-моддалари талаблари асосида кассация ва назорат тартибида протест келтириш мумкин.

Жиноят процессининг ушбу босқичи, яъни жиноят ишини судда кўришга тайинлашнинг мустақиллиги хусусидаги масала ҳамон баҳсли бўлиб турибди. Маҳаллий олимларнинг кўпчилиги бу босқични жиноят

¹ Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят иши кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти: ўқув қўлланмаси. – Т.: Nisim, 2004. – Б. 89.

процессининг мустақил босқичи деб атайди. Бундай олимлар қаторига Б.А.Азизхўжаев¹, Б.Т.Ақромхўжаев², Л.И.Астанова³, Б.Х.Пўлатов⁴ларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Давлат айбловини қўвватлаш сифатини ошириш кўпгина омилларга боғлиқ. Бу омиллар, асосан, прокурорнинг суд мажлисига тайёргарлик кўриши ва ўз устида мунтазам ишлаши билан боғлиқ.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи жиноят процессининг мустақил босқичими ёки йўқми, бу масала фақат назарий аҳамиятга эга, холос. Амалиётда у ҳеч нарсани ҳал қилмайди ва шундай бўлгач, маҳаллий олимларнинг бу ҳақда баҳс юритишларига ҳожат бўлмаса керак. Бинобарин, суд фаолиятининг айнан шу босқичидан прокурорнинг жиноят ишларини кўришда тортишувни чуқурлаштиришга қаратилган айблов функцияси бошланади.

Демак, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида прокурорнинг иштирок этиши жиноят ишининг судда кўриб чиқилишининг сифатини оширади. Ишни суд муҳокамасида тайинлашда прокурор асосан Жиноят-процессуал кодексининг 399-моддасида келтирилган ҳолатлар бўйича иштирок этади. Мазкур моддада жиноят ишини юритишни тўхтатиш асослари келтирилган бўлиб, унга мувафиқ жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги маълум бўлиб қолса, судья ушбу айбланувчига нисбатан ишни юритишни тўхтатиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради, Жиноят-процессуал кодексининг 410 ва 418-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Айни чоғда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи ҳал этилади.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза хулосаси

¹ Азизхўжаев Б.А. Пределы оценки доказательств при назначении дела к судебному разбирательству. // Общественные науки в Узбекистане. – 1995. - №1-2-3. - Б. 11.

² Ақромхўжаев Б.Т. Правовоспитательная функция в уголовном процессе. – Т., 1997. – Б. 96.

³ Астанова Л.И. Жиноят процесси ва шахснинг ҳуқуқи. – Т., 1997. – Б. 13.

⁴ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т.: O'ZBEKISTON, 2009. – Б. 416-422.

билан тасдиқланган тақдирда, судья айбланувчи соғайгунга қадар ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жиноят ишини юритишни тўхтатиш учун асослардан бири судланувчини суддан яширинганлигидир. Агар айбланувчи жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар яширинган бўлса, суд жиноят ишини прокурорга қайтаради ва айбланувчини қидириб топиш ҳақида қарор чиқаради. Агар бундай ҳол жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин содир бўлган бўлса, суд жиноят ишини юритишдан тўхтатиш ва судланувчига нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичида прокурорнинг иштирок этишини тақоза қилувчи яна бир қоида, бу Жиноят-процессуал кодексининг 400-моддаси ҳисобланади. Мазкур моддада тўхтатилган жиноят ишини прокурорга ўтказиш тартиби келтирилган бўлиб, унга асосан Жиноят-процессуал кодексининг 399-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юритишдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади.

Жиноят ишини судга тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар айбланувчи яширинса, судья жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқариб, жиноят иши материални айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга айбланувчини қидириб топиш учун ўтказилади.

Таъкидлаб ўтишимиз лозим бўлган яна муҳим масала шундан иборатки, айрим ҳолатларда, агар асослар мавжуд бўлса, Жиноят-процессуал кодексининг 401-моддасига мувофиқ суд жиноят ишини тугатиши мумкин. Яъни, Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида ҳамда 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини тугатади. Шу билан бирга суд қўлланилган эҳтиёт чораларини, фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини бекор қилади ҳамда ашёвий далиллар масаласини ҳал этади.

Суд Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ишни тугатишга ҳақлидир.

Ишнинг тугатилгани тўғрисида айбланувчи ва жабрланувчига хабар берилади.

Демак, реабилитация қилиш асослари ҳамда айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асосларининг биринчи қисмида белгиланган ҳолатлар мавжуд бўлса суд жиноят ишини тугатади.

Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримда қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинганлиги, фуқаровий даъво бекор қилинганлиги ҳамда ашёвий далиллар тақдири узил-кесил ҳал қилинганлиги баён қилиниши керак. Агар шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми бўлса ҳам жиноят иши тугатилади.

Суд томонидан жиноят ишини тугатилганлиги манфаатдор шахслардан айбланувчи ва жабрланувчига хабар қилинади. Улар қарор устидан норози бўлсалар шикоят қилишга ҳақлидирлар. Бундай ҳолатларда, прокурор ҳам протест билдириш мумкин.

Алоҳида таъкидлаб ятишимиз лозимки, жиноят ишини судда кўриш вақтида давлат айбловини самарали қўллаб-қўвватлаш прокурорнинг иш материаллари билан нечоғлиқ таниш эканлигига боғлиқ. Ва, ушбу ҳолатни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилиги жиноят иши суд муҳокомасига тайинланганидан кейин иш материаллари билан танишиш ҳуқуқини назарда тутди. Яъни, Жиноят-процессуал кодексининг 402-моддасида процесс иштирокчиларини жиноят иши материаллари билан таништириш масаласи ҳуқуқий тартибга солинган. Мазкур моддага асосан, судья жиноят иши судда муҳокама қилиш учун тайинлангандан сўнг прокурор, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллариغا, башарти улар дастлабки тергов даврида иш материаллари билан таништирилмаган бўлсалар, ишдаги

барча материаллар билан танишиб чиқишлари ва ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни кўчириб олишларига имконият яратиши шарт.

Давлат айбловчиси сифатида иштирок этадиган прокурор ҳам дастлабки тергов материаллари билан танишмаган бўлса, унга ҳам худда шундай имконият берилади.

Жиноят ишларини юритишда жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этадиган шахслар айнан жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда биринчи маротаба кўрсатилади ва улар процесснинг кейинги босқичида самарали фаолият юритишлари учун шу пайтдан бошлаб иш материаллари билан танишишлари мумкин бўлади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан сўнг судьяда мазкур моддадаги шахсларни белгиланган шартлар асосида ва тартибда иш материаллар билан таништириш мажбурияти вужудга келади.¹

Жиноят-процессуал кодексининг 402-моддасида кўрсатилган шахсларнинг дастлабки тергов давомида иш материаллари билан таништирилганлиги жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда улар билан танишиш имкониятидан маҳрум қилмаслиги керак. Гарчанд дастлабки терговда иш материаллари билан танишиб чиқилган бўлсада, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлангандан кейин иш материаллари билан танишиш тўғрисидаги илтимоснинг қондирилиши фойдадан холи эмас.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан сўнг иш материаллари билан танишиб чиқишнинг процессуал тартиби дастлабки иш материаллари билан танишиш тартибига ўхшашдир. Суд иш материаллари билан танишиш учун ҳозир бўлган шахсга у билан танишиш, чекловларсиз ундан кўчирмалар олиш учун реал шароит яратиб бериши, агар бундай шахслар кўп бўлса, уларнинг танишиш навбати белгиланиши шарт. Жиноят иши материаллари билан суд биносида

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 621-622.

танишилади. Айбланувчи қамокда сақланаётган бўлса, суднинг биносида ёки судланувчи сақланаётган жойда жиноят иши материаллари билан таништирилади.

Иш материаллари билан танишиб чиқилганидан сўнг илтимосномалар жиноят иши бўйича суд муҳокамаси бошлангунга қадар берилиши мумкин. Судья илтимоснома мазмунидан келиб чиқиб, уни суд мажлисида ёки суд мажлисига тайёргарлик кўриш жараёнида ҳал қилиши мумкин.

Агар дастлабки тергов тамомлангандан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган бўлса ва қоидабузарлик суд томонидан бартараф этилмаган бўлса, жиноят процессуал нормаларнинг жиддий бузилиши деб баҳоланади.¹ Бу эса, ўз навбатида, жиноят-процессуал қонунчилиунинг умумий қоидаларига асосан, ҳуқуқбузарлик ёки қоидабузарлик асосида қўлга киритилган маълумотларнинг жиноят иши юзасидан далил сифатида эътироф этилмаслигига олиб келади. Сабаби, жиноят-процессуал қонунчилик талабларининг сақланилмаслиги ва бузилиши натижасида қўлга киритилган далиллар номақбул деб ҳисобланади ва жиноят иши бўйича далил мақомига эга ҳисобланмайди.

Демак, жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш даврида прокурор иштирокининг ҳуқуқий ифодаси, бу – протест келтириш ёки айбланувчини қидириб топиш ҳисобланади. Алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлган масала шундан иборатки, агар, суд ишни қўшимча терговга қайтариш ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажрим чиқарса, ва, мазкур ажримга проест бериш асослари мавжуд бўлса, прокурор албатта протест келтириши лозим. Жиноят-процессуал кодексининг 404-модда суднинг жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ва ишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби келтирилган. мазкур моддага асосан, суднинг жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ва ишни тугатиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги №17 сонли “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори

тўғрисидаги ажрими устидан айбланувчи, жабрланувчи хусусий шикоят бериши ва прокурор хусусий протест билдириши мумкин.

Жиноят ишени кўшимча терговга қайтариш устидан хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтириш асослари ва процессуал тартиби бу ҳақда умумий қоидаларга биноан ҳал этилади. Ва, процессуал қоидаларга асосан, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи суднинг жиноят ишени дастлабки терговга қайтариш ва ишени тўғатиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят, прокурор хусусий протест келтиради.

Хулоса сифатида таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноят ишени суд муҳокамасига тайинлаш даврида прокурор иштироки бирмунча даражада чекланган. Лекин, бу давлат айбловчисининг бу босқичда суи ҳаракат этишини эмас, балки, жиноят иши бўйича янада самарали тайёргарлик кўрилиш лозимлигини билдиради. Сабаби, айнан ушбу босқич прокурорнинг давлат айбловчиси сифатидаги моқамининг бошланишидан далолат беради.

§.3. Амалдаги Жиноят-процессуал кодекси бўйича судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини тартибга солувчи қоидалар

Жиноят-процессуал кодексининг 33-моддасида прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунчиликнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиши назарда тутилган. Мазкур моддага асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга буйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.¹

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б.65.

шарт.

Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этиш, инсон манфаатларини Конституцияда белгиланганидек муҳофаза қилиш чораларини кўриш, Жиноят-процессуал кодекси моддалари белгиланган вазифаларни ҳал қилишга кўмаклашиш, шахс, жамият, давлат манфаатларини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи, шаҳар, вилоятлар ва туман прокурорларига юклатилган.

Суриштирув ва дастлабки тергов босқичида прокурор қонунларни кўллаш устидан назорат қилувчи шахс, раҳбар ва бевосита дастлабки терговни юритувчи иштирокчи сифатида намоён бўлади.

Юқорида келтирилган қодалардан шу нарса маълумки, прокурор бу босқичда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилмаслигини таъминлаш, суриштирувчи, терговчининг ноқонуний ҳатти-ҳаракати ва қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш ва йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш, далилларни тиклаш ва текширишда процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилиш, жиноятларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш чораларини кўриш, холислилик ва қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш каби бир қатор вазифаларни адо этади.

Демак, прокурор барча ваколатларини мустақил равишда амалга оширади. Ҳар қандай орган ва мансабдор шахс унга тазйиқ ўтказишга, йўл-йўриқ беришга, ички ишларига аралашишга ҳақли эмас. У фақат қонунга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори кўрсатмаларига амал қилган ҳолда фаолият кўрсатади.

Жиноят-процессуал кодексининг 33-моддаси прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов босқичидаги ваколатларини тартибга солса, Жиноят-процессуал кодексининг 34-моддаси бу нормага қўшимча равишда судда прокурор ваколатларини тартибга солади. Дарвоқе, бу модда ўзида бошқа моддаларга ҳам назарда тутди. Яъни, Жиноят-процессуал кодексининг 243, 382-388, 558, 589-моддаларга ҳавола қилади.

Жиноят процессида прокурорнинг ваколатларини бир неча турларга бўлиш мумкин:

Суриштирув ва дастлабки терговда:

- а) жиноят ишини қўзғатиш ва рад этиш;
- б) жиноят ишларини тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш, жиноятни тавсифини белгилаш, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш, қидирув эълон қилиш, ушлаб туриш ва мажбурий келтириш ҳақида ёзма кўрсатмалар бериш ;
- в) қамоққа олиш, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги терговчининг илтимосномасига розилик бериш ёки ўзи илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ва ушбу масалаларни ҳал қилишда суд мажлисида тараф сифатида иштирок этиш;
- г) суднинг қамоққа олишни рад қилиш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги ажримлари устидан апелляция тартибида протест келтириш;
- д) олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва олиб қўйиш, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, лавозимидан четлаштиришга, тиббий характердаги мажбурлов чораларини қўллаш ва муддатини узайтиришга рухсат беради;
- е) дастлабки тергов муддатини узайтиришга розилик бериш;
- ё) жиноят ишларини тамомлаш ва судга юбориш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

ж) айблов ҳулосаси билан келган жиноят ишларини текшириш ва тегишли масалаларни ҳал этиш;

з) Жиноят ишини судга юбориш.¹

Суд муҳокамасида прокурор қуйидаги ваколатларга эга:

а) давлат айбловини қўллаш;

б) далилларни текширишда иштирок этиш;

в) суд терговиди судьянинг рухсати билан суд муҳокамаси иштирокчиларига саволлар бериш;

г) ЖК нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш ҳақида фикр билдириш;

д) судланувчига жазо тури ва меъёрини белгилаш ҳақида фикр билдириш;

е) хусусий ажрим чиқариш ва бошқа масалалар бўйича фикр бериш;

ё) айбловдан воз кечиш, айбловни ўзгартириш тўғрисида асослантирилган ёзма баёнот бериш;

ж) фуқоровий даъво кўзғатиш ёки кўзғатилган даъвони қўллаш;

Прокурор ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда иштирок этади.

Жиноят-процессуал кодексининг 409-моддасида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлайди, далилларни текширишда иштирок этади, судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар беради, жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо турини ва меъёрини тайинлаш тўғрисида ҳамда бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини баён қилади, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини билдиради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдураҳимов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 66-67.

Прокурор давлат айбловини қўвватлар экан, Жиноят-процессуал кодексининг, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари талабларига ва ишнинг барча ҳолатларини қараб чиқишга, барча шахсларга нисбатан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асосланган ўз ишончига амал қилади. (Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг Ахлоқ кодекси 2-моддаси)¹.

Суд тергови томонлангандан сўнг суд тарафларнинг музокарасини эшитишга ўтади. Музокара давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг нутқи билан бошланади. Сунгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади. Давлат айбловчиси суд терговининг яқунларини инобатга олиб, ўз нутқида судланувчининг айблилиги ёки айдор эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши лозим. Давлат айбловчиси судланувчи айбдор деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри ҳақида судга ўз фикрини баён қилади. Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар билан яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин (Жиноят-процессуал кодексининг 449-моддаси).

Тарафлар музокараси жиноят иши материалларига таянади ва бу материаллар суд тергови давомида текшириб чиқилган бўлиши керак. Суд мажлиси муҳокамасида, тарафлар музокарасида жиноят процесси иштирокчилари суд терговининг натижаларига баҳо бериб, ўз нутқларида ёки эътирозларида бўлиб ўтган жиноят воқеасининг бирон-бир ҳолларига ёки томонига эътибор беришни, шунингдек, ҳодисанинг талкин қилинишига,

¹ Ўзбекистан и международные договора по правам человека / Сборник международных договоров по правам человека к которым присоединилась Республика Узбекистан // Составитель: доктор юридических наук, проф. Ю.Б. Пулатов. – Т., 1995, Б.11-19.

судланувчи шахсини таърифлашга тарфлар қандай қандай жихатдан ёндашуви кераклигини баён қилишлари лозим¹.

Музокара тамом бўлгандан кейин тарафлар Жиноят-процессуал кодексининг 457-моддаси биринчи қисми 1-6 бандларида (ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалалар) назарда тутилган масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ўзлари таклиф этадиган мазмунини судга ёзма равишда такдим этишлари мумкин. Давлат айбловчиси ва ҳимоячиси учун қарорнинг бундай мазмунини судга такдим этиш мажбурийдир. (Жиноят-процессуал кодексининг 450- моддаси).

Прокурор жиноят ишларини кўришда ёки ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судида иштирок этишга ҳақлидир. Судда прокурор фаолиятини тартибга солувчи бу асосий норма инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш доирасида судга ўз қарорлари билан суд ҳуқуқини яратишда кўмаклашади. Буни чет эл олимлари ҳам эътироф этишади².

Прокурор суд муҳокамасини тайинлашдан бошлаб, жиноят ишларини назорат тартибида қараб чиқишга қадар бўлган барча босқичларда ўз ваколатларини бир ҳилда қатъий амалга оширади.

Суднинг жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ва ишни муҳокамага тайинлаш босқичида тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан прокурор томонидан хусусий протест билдирилиши мумкин (ЖПКнинг 404-моддаси). Ишни қўшимча терговга қайтарганда суд ўз ажримида қайтариш асосларини ва қандай ҳолатлар қўшимча равишда аниқланиши лозимлигини кўрсатиши шарт. (Жиноят-процессуал кодексининг 419-моддаси).

Афсуски, судда прокурор иштирокида ҳали жиддий камчиликлар учраб турибди. Шу муносабат билан В. И. Басков таъкидлаганидек, судларда жиноят ишларини кўришда прокурор иштироки аксариат ҳолларда расмий

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т., Адолат, 2000. – Б. 587-588.

² Қаранг: Zuleeg M. Zum Verhältnis nationaler und europäischer I / Europa. Deutschland. – Dresden, 2000. – S.513.

тусга эга бўлиб судларнинг одилона ҳукм чақирилишларига, тергов ва суд ҳатоларини бартарф этишга ҳамма вақт ҳам кўмаклашади, деб бўмайди.

Прокурорлар ноҳолислик ва айбловга мойиллигини намоён этиб, қандай йил билан бўлмасин, айблов ҳулосасидаги фикрларни ёқлаши ва айрим ҳолларда айбсиз шахсларининг жиноий жавобгарликка тортилишига эришиши каби фактларга ҳали ҳам тулик барҳам берилган эмас. Давлат айбловчиларининг ишда судланувчининг айбдорлигини исботловчи далиллар етарлича мавжуд бўлмаган ҳолда, текширилмаган материалларга асосланиб айблов ҳукми чиқарилишини талаб қилишларига қонунийлик ва прокурор хизмат вазифасининг қупол равишда бузилиши сифатида қаралмоғи керак¹. судланувчининг айбини исботловчи ишонарли далиллар мавжуд бўлмасда, суд терговида аниқланган ҳолатга зид равишда айбловни қўвватлаш ҳолларига қатъий чек қўйиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги 21-сонли буйруғида «Давлат айбловини қўвватлаётган прокурорлар тергов ва суддаги маълумотлар судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келсалар, сўзсиз амал қилсинлар», деб таъкидлаган.²

Айни пайтда судда давлат айбловини қўвватлар экан, айрим прокурорлар сусткашлик билан иш олиб борадилар, жиноятда иштирок этган ёки унга дахлдор бўлган барча шахсларни фош этишда етарлича ташаббус ва қатъият кўрсатмайдилар. Айрим прокурорлар давлат айбловини қўвватлаётганда моддий қонун ва жиноят процесси қоидалари бузилишига нисбатан ҳар доим ҳам етарли даражада муносабат билдираверишмайди, натижада баъзи ҳолларда давлат айбловини сифатсиз ва юзаки қўвватлаш ҳоллари мавжуд, улар суд терговида аниқланган ҳолатларга ҳолисана баҳо

¹ Басков В.И. Курс прокурорского надзора. Учебник для вузов. М., 1999.-Б.237

² ² Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги 2004 йил 11-май 21-сонли буйруғи. – Т., 2004.

бермасдан, факат айблов ҳукми чиқариш ҳақида судга нотўғри фикир бериш ҳолларига йўл ўйишмоқда.

Судда жиноят ишлари муҳокама қилинишида иштирок этувчи прокурорлар узларининг суддаги иштирокининг нафақат процессуал, балки ижтимоий аҳамиятини, бу жиноят ишлари юзасидан одилона ҳукм чиқаришда қонунийликнинг муҳим кафолатларидан бири эканлиги, ўз ваколатларининг сифатли бажарилиши учун алоҳида маъсулият эканлигини англаб етишлари лозим¹. Прокурор суд муҳокамасида иштирок этиши билан далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ҳолис текширишда, жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг айбини аниқлашда, у содир этган жиноятга тўғри ҳуқуқий баҳо беришда судга ёрдам беради.

Суд муҳокамаси тарбиявий вазифани бажариши ва ҳар бир суд жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг Ахлоқ кодексига мос бўлган «ижтимоий ахлоқ ва амалий сиёсат» сабоқлари чиқаришлари шахсларини оммавий муҳокама қилиш муҳитини яратиш мақсадида фойдаланишлари лозим.

Судларда жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловини қўвватлаш ва қонунга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш прокуратура органлари фаолиятнинг асосий йўналишлари қаторига киради. («Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуннинг 4-моддаси).

«Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуннинг 33-моддасида айтилишича, «Фуқораларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади²». Бу тартиб амалдаги ЖПК билан белгилаб берилган.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодекси, айниқса «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонун суд ҳокимияти ролини оширишга

¹ Золотов Ю. Каким быть прокурору // Законность. – 1998. -№4. - Б.2-4.

² Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 2001 йил 29 август.

интилиб, прокурор ваколатларини чеклаш йўлидан бормоқда. Жиноят ва жиноят процесси соҳасида суд ҳокимияти ваколатларининг тикланиши эса адолат ва қонунийлик ифодасидир. Прокураиура фойдасини кўзлаб ҳар қандай тарзда суд ҳокимиятини камситиш утмишдаги тарихий хатоларнинг такрорланишига олиб келади.

Шу муносабат билан прокурорлик назоратини суд ҳокимиятидан ташқари барча қархоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Прокуратура органларининг суд ҳокимияти назорати остига олинишининг дастлабки нишонлари кўзга ташланмоқда. Чунки, Конституциявий суд Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) қонунийлиги устидан амалга оширадиган назорат прокурорлик назоратининг аҳамиятини камайтирмайди. Амалдаги қонунларга кўра прокуратура органлари давлат ҳокимиятининг ҳеч қайси тармоғига кирмайди, балки мустақил ҳисобланади. Уларнинг иши ҳар қандай даражада қонунлар ижроси устидан назорат қилишдан, ҳуқуқий давлат барпо этишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборат. «Прокурор, - дейилади янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида» ги Қонуннинг 33-моддасида, - судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларида қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт».

Шундай қилиб, ҳозирги замон қонунчилиги суд муҳокамасида прокурорнинг ҳуқуқий мақомини давлат айблови мафаатларини ёқловчи жиноят процесси субъекти сифатида бўлишини мувофиқ ҳолга келтириш жараёни билан характерланади. Прокурор судланувчининг жиноят содир этканлигини фош этишсуд тергови жараёнида унинг айбини исботлаш, унинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш, судланувчига нисбатан муайян жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги айблов нутқи тузиш ва уни судда ўқиб эшиттириш йўли билан давлат айбловини қўвватлаш функциясини амалга оширади.

Суд тергови давомида айблов тегишли далиллар билан тасдиқланмаган тақдирда, прокурор айбсиз шахсга нисбатан давлат айбловини қўвватлагдан воз кечади. Бундан ташқари, прокурор ўзига қонун билан берилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланиб, судланувчи ва фуқаравий жавобгарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бевосита ҳисобга олган ҳолда жабрланувчининг, фуқаравий даъвогарнинг манфатларини таъминлайди.

Хулоса

Жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлаш жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, унда жиноят ишининг кейинги тақдири ҳал қилиниши мумкин. Суд фаолиятининг айнан ушбу босқичидан прокурорнинг тортишувни чуқурлаштиришга қаратилган айблов функцияси бошланади. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунида бу функция аниқ ўз ифодасини топган. Жумладан, Қонуннинг 33-моддасида «Прокурор судда жиноят ишлари кўрилатганда давлат айбловини кўллаб-қувватлайди. Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг кўлланилиши хусусида ўз фикрини билдиради» делинса, 35-моддасида «Прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтиришга ҳақли» дейилган. Айни пайтда, бу функция амалдаги Жиноят-процессуал кодексида ҳам кўрсатиб ўтилган, ва, прокурор фаолиятининг мезонини белгилайди.

Таъкидлаб ўтишимиз лозимки, жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлаш босқичида айблов функцияси тўла намоён бўлмайди, негаки жиноят процессининг ушбу босқичида судья айбланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги масалани эмас, балки жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш масаласини ҳал қилади. Фақат суд муҳокамасини муваффақиятли ўтиказишга ҳалал берувчи асосларгина (жиноят ишини тўхтатиш ёхуд тугатиш учун асослар) текширилади.

Жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлашда прокурор иштироки бирмунча чекланган. Жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлашни процессуал тартибга солувчи Жиноят-процессуал кодексининг 49-бобида прокурор фақатгина уч марта тилга олинади.

Биринчи. Жиноят-процессуал кодексининг 397-моддасида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ажрим бандларида, суд муҳокамасида давлат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячининг иштироки ҳақида кўрсатилиб ўтилади.

Иккинчи. Жиноят-процессуал кодексининг 400-моддасида айбланувчи яширишгани учун юритувдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади.

Учинчи. Жиноят-процессуал кодексининг 404-моддасига мувофиқ суднинг жиноят ишини кўшимча терговга қайтариш ва ишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан прокурор хусусий протест билдириши мумкин. Яъни, прокурор Жиноят-процессуал кодексининг 497⁹-моддасига мувофиқ, иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда хусусий протест билдириши ёки Жиноят-процессуал кодексининг 498-511-моддалари талаблари асосида кассация ва назорат тартибида протест келтириш мумкин.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида прокурорнинг иштирок этиши жиноят ишининг судда кўриб чиқилишининг сифатини оширади. Ишни суд муҳокамасида тайинлашда прокурор асосан Жиноят-процессуал кодексининг 399-моддасида келтирилган ҳолатлар бўйича иштирок этади. Мазкур моддада жиноят ишини юритишни тўхтатиш асослари келтирилган бўлиб, унга мувофиқ жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги маълум бўлиб қолса, судья ушбу айбланувчига нисбатан ишни юритишни тўхтатиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради, лекин, Жиноят-процессуал кодексининг 410 ва 418-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Айни чоғда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи ҳал этилади.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган тақдирда, судья айбланувчи соғайгунга қадар ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жиноят ишини юритишни тўхтатиш учун асослардан бири судланувчини суддан яширинганлигидир. Агар айбланувчи жиноят ишини

суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар яширинган бўлса, суд жиноят ишини прокурорга қайтаради ва айбланувчини қидириб топиш ҳақида қарор чиқаради. Агар бундай ҳол жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин содир бўлган бўлса, суд жиноят ишини юритишдан тўхтатиш ва судланувчига нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичида прокурорнинг иштирок этишини тақоза қилувчи яна бир қоида, бу Жиноят-процессуал кодексининг 400-моддаси ҳисобланади. Мазкур моддада тўхтатилган жиноят ишини прокурорга ўтказиш тартиби келтирилган бўлиб, унга асосан Жиноят-процессуал кодексининг 399-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юритишдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади.

Жиноят ишини судга тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилганга қадар айбланувчи яширинса, судья жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқариб, жиноят иши материални айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга айбланувчини қидириб топиш учун ўтказилади.

Таъкидлаб ўтишимиз лозим бўлган яна муҳим масала шундан иборатки, айрим ҳолатларда, агар асослар мавжуд бўлса, Жиноят-процессуал кодексининг 401-моддасига мувофиқ суд жиноят ишини тугатиши мумкин. Яъни, Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида ҳамда 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини тугатади. Шу билан бирга суд қўлланилган эҳтиёт чораларини, фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини бекор қилади ҳамда ашёвий далиллар масаласини ҳал этади.

Суд томонидан жиноят ишини тугатилганлиги манфаатдор шахслардан айбланувчи ва жабрланувчига хабар қилинади. Улар қарор устидан норози бўлсалар шикоят қилишга ҳақлидирлар. Бундай ҳолатларда, прокурор ҳам протест билдириш мумкин.

Демак, жиноят ишени суд муҳокамасига тайинлаш даврида прокурор иштирокининг ҳуқуқий ифодаси, бу – протест келтириш ёки айбланувчини кидириб топиш ҳисобланади. Алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлган масала шундан иборатки, агар, суд ишени қўшимча терговга қайтариш ёки ишени тугатиш ҳақидаги ажрим чиқарса, ва, мазкур ажримга проест бериш асослари мавжуд бўлса, прокурор албатта протест келтириши лозим. Жиноят-процессуал кодексининг 404-модда суднинг жиноят ишени қўшимча терговга қайтариш ва ишени тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби келтирилган. мазкур моддага асосан, суднинг жиноят ишени қўшимча терговга қайтариш ва ишени тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан айбланувчи, жабрланувчи хусусий шикоят бериши ва прокурор хусусий протест билдириши мумкин.

Жиноят ишени қўшимча терговга қайтариш устидан хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтириш асослари ва процессуал тартиби бу ҳақда умумий қоидаларга биноан ҳал этилади. Ва, процессуал қоидаларга асосан, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи суднинг жиноят ишени дастлабки терговга қайтариш ва ишени тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят, прокурор хусусий протест келтиради.

Хулоса сифатида таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноят ишени суд муҳокамасига тайинлаш даврида прокурор иштироки бирмунча даражада чекланган. Лекин, бу давлат айбловчисининг бу босқичда суи ҳаракат этишени эмас, балки, жиноят ишени бўйича янада самарали тайёргарлик кўрилиш лозимлигини билдиради. Сабаби, айнан ушбу босқич прокурорнинг давлат айбловчиси сифатидаги моқамининг бошланишидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

2. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2005-йил 8 декабрда сўзлаган маърузаси.

3. Каримов И.А. “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устивор вазифамиздир” // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2006 йил 7 декабрь. –Т.: Ўзбекистон, 2007.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

5. Каримов И.А. Ватанчимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

6. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги сўзлаган маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябр. №220(5135).

7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

8. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

II. ҲУҚУҚИЙ-НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2008.

2. Қарақалпақстан Республикасының Конституциясы. – Нөкис. «Билим», 2005.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. – Т.: Адолат, 2010.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. – Т.: Адолат, 2008.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда). –Т.: Адолат, 2001.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда). – Т.: Nisim, 2004.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг «Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида»ги 1997-йил 27-августдаги 12-сонли қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1999-йил 30-апрел 7-сонли қарори

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-2006 йй. // Н.З.Тошматовнинг умумий таҳрири остида Чоп этилди. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, 2007.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурори иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги 2004-йил 11-май 24-сонли буйруғи

III. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Абдумажидов Г. Общие суды Республики Узбекистан. – Т.: Эльдинур, 2000.

2. Абдумажидов Ғ.А. Ўзбекистонда суд хоқимияти: ислохотлар даври. – Т.: Адолат, 2002.
3. Адвокатская деятельность в Республике Узбекистан: Учебник. В 2-х т. Т.2. / Отв. ред. М.Х.Рустамбаев, Л.Б.Хван; Мин-во юстиции Республики Узбекистан, ТГЮИ. – Т.: Konsauditinform-nashr, 2006.
4. Ахпанов А.Н. Проблемы уголовно-процессуального принуждения в стадии предварительного расследования. – Алматы: Жеті – Жарғы, 1997.
5. Безлепкин Б.Т. Уголовный процесс России: учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2006.
6. Белезоров Ю.Н., Рябоконе В.В. Производство следственных действий: учебное пособие. – М.: Изд-во МГУ, 1990.
7. Васильев Л.В. Психологическая культура прокурорско-следственной деятельности: учебное пособие. – Санкт-Петербург, 1998.
8. Володина Л.М., Сидорова Н.В. Уголовный процесс: учебное пособие. 2-изд., исп. и доп. – Тюмень: Изд-во Тюменского гос. университета, 2007.
9. Володина Л.М. Механизм защиты личности в уголовном процессе. – Тюмень: Изд-во Тюмен. гос. ун-та, 1999.
10. Громов Н.А. Уголовный процесс: Учебное пособие. – М.: Юристъ, 1998.
11. Давлетов А.Д. Прокурорский надзор: учебник. – Нукус. «Билим», 1999.
12. Давлат айбловчисининг суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш дастури // Тузувчи: юридик фанлар доктори, проф. Б.Х.Пўлатов. – Т., 2002.
13. Жиноят процесси: дарслик. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий тахрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2008.
14. Зокиров Х.А. Одил судлов ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг назарий муаммолари / Масъул муҳаррир У.Таджиханов. – Т.: ИИВ Академияси, 1998.

15. Зокиров Х.А. Судебная власть и правовая культура. – Т.: ТГЮИ, 1997.
16. Звягинцева Л.М., Плюхина М.А., Решетникова И.В. Доказывание в судебной практике по гражданским делам: Учебно-практическое пособие. – М.: НОРМА, 2000.
17. Иванкина Н.Е. Основы судебного красноречия (риторика для юристов): учебное пособие. – М.: Юринформ, 2001.
18. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати концепцияси / Маъсул муҳаррир: Ғ.А.Абдумажидов-Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор.-Т.: ТДЮИ, 2006
19. Кириллова Н.П. Процессуальные и криминалистические особенности поддержания государственного обвинения в суде первой инстанции: учебное пособие. – Санкт-Петербург, 1996.
20. Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2003.
21. Ниёзова С.С. Виктимологическая профилактика преступлений: Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2009.
22. Мадалиев О.М. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларидан кўрилишида прокурор иштироки. – Тошкент: ТДЮИ, 2005.
23. Мингбоев У.Қ. Суд – шундай ҳокимиятқи. – Т.: Шарқ, 1999.
24. Миллий ғарезсизлик идеяси: тийкаргы түсиник ҳам принциплер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2001.
25. Организация деятельности судов: учебник. / Под общ. ред. В.И.Лебедева. – М.: Норма, 2008.
26. Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: O'zbekiston, 2009.
27. Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят иши кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти: ўқув кўлланмаси – Т.: Nisim, 2004.
28. Рахлин В.И., Сидарук М.М. Правоохранительная функция прокуратуры. – Санкт-Петербург, 2000.

29. Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд хокимияти ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 23.
30. Савицкий В.М. Прокурорский надзор за дознанием и предварительным следствием: учебное пособие – М., 1992.
31. Уголовный процесс: (Общая часть): Учебник для вузов / Под ред. Е.Н.Никифоровой. – Т.: «Адолат», 2000.
32. Уголовный процесс. Общая часть. Учебное пособие. / Автор-сост.: к.ю.н. У.А.Тухташева. – Т.: ТГЮИ, 2007.
33. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ, 2009.
34. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.А.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009.
35. Юридикалық терминлердің қарақалпақша түсіндірме сөзлігі / Дүзіўшилер: Өтегенов Ж., Тилеўов Е., Есбергенов Р. – Нөкіс, «Қарақалпақстан» баспасы, 2003. – Б. 47-48.

IV. ИЛМІЙ МАҚОЛАЛАР

1. Азизхўжаев Б.А. Пределы оценки доказательств при назначении дела к судебному разбирательству. // Общественные науки в Узбекистане. – 1995. - №1-2-3. - Б. 11.
2. Алиев Т.Х. Назорат инстанцияси судлари фаолияти: назарий ва амалий жиҳатлар // «Хуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари» атамасида Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 332-333.
3. Ботиров Ҳ.Ҳ. Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов органларининг фаолияти // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. 4-сон. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 157-159.
4. Золотов Ю. Каким быть прокурору // Законность. -1998.-№4. - Б.2-4.

5. Иноғомжонова З.Ф., Мамадиев Б.Н. Шикоят жиноят процессига суд назоратининг кириб келиши воситаси сифатида // «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жиноят-процессуал қонунчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 5.
6. Коньтов И. Нужна – ли такая состязательность? // Законность. – 1998. - №9. - Б.25-28.
7. Қўчқоров Х.З., Бабаярова И.М. Одил судловни амалга оширишда қонунийлик принципининг ўзига хос жиҳатлари // «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жиноят-процессуал қонунчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 66.
8. Мельников Н.В. Прокурорская власть. // Государство и право. - 2002. - №2. - Б.14-20.
9. Синальников Ю. Полномочия прокурора в доступном производстве по новому уголовно-процессуальному законодательству // Законность.- 2002. - №3. - Б.6-10.
10. Шодиев Ғ. Жиноят процессида суд назорати: тушунчаси, турлари // Фан ва Ёшлар. Махсус сон. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 191-193.
11. Юсупджанова Г. Роль председательствующего в судопроизводстве по уголовным делам // «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жиноят-процессуал қонунчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 240-243.